

**Абдуллоҳ СЕВИНЧ**

**ҚАБРДАН  
МАКТУБ**

Таржимон:

Маҳмуд МАҲКАМ

Тошкент  
«Мовароуннаҳр»  
2005

*Аллоҳ таоло айтадики:*

*«Ҳар бир жон ўлимни тотиб кўргувчиидир. Биз сизларни (сабр-тоқатларингизни синаш учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз. (Кейин) фақат Бизгагина қайтариурсизлар» (Анбиё сураси, 35-оят).*

*Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:*

*«Ўлимдан аввал ўлингиз!» (Ажлуний, «Кашфул Ҳафо», 2-жилд, 2669.) «Ўлганидан кейин афсусланмайдиган инсон йўқ. Ҳамма мутлоқо надомат қилади. Тўғри йўлда бўлган киши янада кўпроқ хайрли иш қилмагани учун афсусланади. Ёмон йўлда бўлган эса нафсини ёмонликдан узоқлаштиргани учун надомат қилади» (И мом Термизий, «Зуҳд», 55, 2405). Ушбу китобдаги мактуб вафот этган ўғилнинг онасига юборган дард-алам, изтироб, надомат, пушаймонлик номасидир. Мактуб ўқувчини сергак тортиради ва ибрат олишга ундейди.*

## Ибратли мактублар моҳияти

Одамзодни турли фисқу-фужурлардан, ёмонлик ва ҳар хил тубанликлардан қайтариш энг улуғ савоб ишлардан саналади. Бу дунёда умр кечираётган тўрт мучаси соғлом кимса бошига хасталик келмаса, ўз вужудига назар ташламайди. Мусибатларни, айниқса, ҳар кимнинг бошига албатта келадиган ўлим сабабини ўз жигарбандлари воситасида сезмаса, унинг моҳиятини англамайди.

Ўлим – ҳақ. Қабр ҳаёти – ҳақ. Савол-жавоб бўлиши ҳам, амалларнинг ҳисоб-китоб қилиниши ҳам, қайта тирилиш ҳам ҳақдир. Қиёмат қунига қадар бу оламдан кўз юмиб вафот қилган бандани не-не синовлар кутиб турибди. Ўлган одамнинг қабрдаги, охират қунидаги ҳолати юзасидан нозил бўлган оятлар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадислар бор. Ўша ҳодисотни ҳис қилиш унга тайёргарликка олиб келади. Аниқ англаш ва ҳис қилиш эътиборидан Абдуллоҳ Севинч томонидан вафот этиб кетган боланинг онасига ёзган мактуб услубида таълиф қилинган ушбу китоблар шу жиҳатдан муҳимдир. У дунёдан мактуб ёзиш, мактуб воситасида банда бошига келадиган қунлардан огоҳ қилиш ўзига хос гўзал услуб. Зотан, дунё адабиётида бу воситадан фойдаланиш ҳоллари учрайди. Умуман, эпостоляр, яъни мактуб жанрининг ўзига хос қийматли жиҳати шундаки, ёзаётган кимса ўз руҳий ҳолатини, кайфиятини, воқеликка индивидуал муносабатини билдириш имконига эга бўлади. «Қабрдан мактуб», «Охиратдан мактуб» деб номланган китобчалар мазмун-моҳияти мактуб муаллифининг маънавий-руҳий оламида кечеётган жараёнларни англаш учун ҳам муҳимдир. Бугина эмас, энг асосийси – қаламга олинган барча фикр-мулоҳазалар мустаҳкам заминга, яъни оят ва ҳадисларга таянади. Мактуб матнидаги ҳар бир танбиҳот ёки огоҳлантиришнинг асоси манбаларда, изоҳда батафсил келтириб ўтилади. Умуман, гўзал ва эзгу амалларга чорлаб, ҳар қандай тубанликлардан халос бўлишга ундовчи битиклар ўқувчига жиддий таъсир қиласи, деб ўйлайман.

Баҳодир КАРИМОВ филология  
фанлари доктори

## **Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**

### **ТАҚДИМ**

Асҳоби киромнинг кўзга кўрингандаридан Баро розийаллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир жанозада бирга эдик. Алайҳиссолату васаллам қабрнинг четига ўтириб йиғладилар. Ҳатто (кўз ёшларидан) тупроқ ҳўл бўлди, кейин эса: «Эй биродарларим! Мана шу (бошингизга келадиган ўлим ҳодисаси) учун яхши тайёрланинг», деб буюрдилар» («Кутуби ситта», 17/612).

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламни йиғлатган ўлим у зотдан ўрнак олган саҳобаларни ҳам йиғлатган эди. Ҳазрат Усмон розийаллоҳу анҳу бир қабрнинг тепасига келиб соқоллари ҳўл бўлгунча йиғладилар. У кишига: «Жаннат ва дўзахни эслаганингизда йиғламайсиз, бироқ қабр ҳақида гап очилса, йиғлайсиз!» дейишиди. Ҳазрат Усмон дедилар: «Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қабр – охират манзилларининг биринчиси. Киши ундан қутула олса, кейингилари осонроқ бўлади. Ундан қутула олмаса, кейингилари ундан ҳам қийинроқ, оғирроқдир», деганларини эшитдим» («Кутуби ситта», 15/141).

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Раббим! Қабр азобидан Сендан паноҳ сўрайман»**, дея дуо этганлар («Тажриди сарих», 4/503). Бизларга эса: **«Қабр азобидан Аллоҳга сифининг!»** деб марҳамат қилганлар («Тажриди сарих», 4/502). Бизлар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишига эргашган саҳобаларнинг йўлидан бориб, бу қутулиш тавсиясига амал қиласиз: қабр азобидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз! Қабр (барзах) – инсон ҳаётининг бир даври, яъни ўлимдан кейин бошланиб, охират ҳаётининг қиёматгача давом этадиган кутиш даври. Бу ҳаётда (қабр ҳаётида) раҳмат ҳам, азоб ҳам бор. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобаларини йиғлатган қабр азоби албатта бизни ҳам йиғлатади. Тўкилаётган кўз ёшлар қабримизни «жаннат боғларидан бир боғ» ҳолига келтирувчи томчи бўлмоғи лозим. Шу боис мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ўлмасдан аввал ўлинг!» деган даъватларига амал қилиб, ҳадиси шарифлар асосида бу мактубни ёздим.

Ҳадиси шарифлар асосида ёзилган бу «мактуб»да: – ўлим онда ҳали рух чиқмасиданоқ Азроил ва бошқа вазифадор фаришталарнинг кишига кўриниши; – рух чиқмай туриб кишига абадий қоладиган охиратдаги ҳолатининг кўрсатилиши; – солиҳ амал эгалари учун Азроил ва бошқа фаришталарнинг чиройли, хуш суратда, ёмон амал эгаларига эса ҳайбатли ва қўрқинчли қиёфада кўринишлари; – кишининг сўнгги нафасида солиҳ амаллар қилиши учун ўлимини кечиктиришини Аллоҳдан сўраши; – сакароти мавтнинг оғир бўлиши; – ўлим пайтида

руҳнинг танани тарк этишни истамай қаршилик қилиши, бунга қарши вазифадор фаришталарнинг кишига азоб бериши; – солиҳ амал эгаларининг руҳини раҳмат фариштаси, ёмон амал эгалари руҳини эса азоб фариштаси олиши; – солиҳ амал эгаларини Иллийинга, ёмон амал эгаларини Сижжинга қайд этилиши; – солиҳ амал эгаларига фаришталар томонидан Аллоҳнинг саломи йўлланиши; – ўлим онида таҳоратли бўлиши, боши тарафида Қуръон ўқиб турилиши, ўша дуо айтилиши ва солиҳ амал эгаси бўлишнинг ўлим азобини енгиллатиши; – ўлим пайти дуо қилинса, фаришталарнинг ҳам омин, дейиши; – сўқир кишиларга ҳам Азроилнинг кўриниши; – ўлим пайти кишининг хирилдоқ овоз чиқариши, оғзининг кўпириши, пешонасининг терлаши, лекин бу ҳолатларни кўриб турганлар марҳум ҳақида ёмон хаёлга бориб, ўзлари билмаган ҳолда ғийбат қилишлари ва гуноҳкор бўлишлари; – руҳни танадан олиш учун тайинланган фаришталарнинг оёқлардан бошлаб, кўкрак қафасигача сидириб чиқишлари, Азроилнинг руҳни олиши; – руҳ олингандан кейин ўликнинг ўз руҳини кузатиб туриши; – ўлик тепасида соchlарни юлиб, дод-фарёд қилиш марҳумга азоб бўлиши; – марҳум қабрга қўйилганидан кейин руҳнинг фаришталар томонидан яна танага қайтарилиши; – қабрга қўйилган ўликнинг у ердан узоқлашаётгандарнинг оёқ товушларини эшлитиб туриши; – яхши амал эгаларининг руҳлари ўлимдан кейин бир-бири билан кўришиши; – қабрда Мункар ва Накир фаришталарининг ўликни савол-жавоб қилиши; – ёмон амал эгаларини қабр сиқиши; – қабрнинг баъзилар учун жаннатнинг боғларидан бир боғ, баъзилар учун эса жаҳаннам чуқурларидан бир чуқур бўлиши; – ўликка эрталаб ва кечки пайт охиратдаги жойи кўрсатилиши; – пайғамбарлар ва шаҳидларнинг жасадлари чиrimаслиги; – қабр азобининг турли усувлар билан давом этиши, вақти-вақти билан пасайтирилиб, вақти-вақти билан кучайтирилиши, баъзилар учун эса азоб беришнинг тўхтатилиши; – қабр азобидан ўлик қилаётган фарёдни инсонлардан бошқа ҳамма нарсанинг эшлиши; – сийдикка беэътибор бўлиб, ғийбатчи ва қарздор ҳолда вафот этган кишига қабр азобининг орттирилиши; – қабр азобидан қутулиш учун дунё ҳаётида солиҳ амалларга эгалик қилиш ва охиратга тайёр бориш лозимлиги хусусида баъзи саволларга жавоб ўлароқ мухтасар маълумот берилган.

Бу «мактуб» бутунлай иймоний мавзу бўлган қабр ҳаёти билан боғлиқ оят ва асосан ҳадиси шарифларга суюниб таёrlанган. Бу «мактуб» қўрқитиш учун эмас, фақат ва фақат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларида кўпроқ эътибор берилган қабрга тайёргарлик учундир. Тавфиқ ва ҳидоят ёлғиз Аллоҳдан.

Абдуллоҳ Севинч

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Қабр ё жаннат боғларидан бир боғ ёки жаҳаннам чуқурларидан бир чуқурдир**»

(Имом Термизий).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дуо қилғанлар: «**Эй Рabbim! Ожиз ва ожизликдан, қўрқоқликдан, хасислик ва қабр азобидан паноҳ сўрайман**» («Тажриди Сарих», 4/503). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «**Агар бир-бирингизни дағн этмаслигингидан қўрқмаганимда қабр азобининг сизга ҳам эшиттирилиши учун дуо қилардим**» («Кутуби ситта», 15/147).

**Онажон!** Атрофимда йиғилиб, дарду фарёд билан қўз ёш тўкаётганингиз бир пайтда умримда асло кўринмаган, менга нотаниш борлиқлар ёнимга келди. Кейин билсан, улар фаришталар экан. Азроил ва бошқа вазифадор фаришталар... Ўша пайтда яна бир нарса бўлди. Менга охиратда абадий қоладиган жойим кўрсатилди.

1 Оловлар бор эди у ерда. Жазо жойи экан у ер. Ҳаммасини тушундим: беларволигимни ҳам, ғафлатимни ҳам, хатоларимни ҳам... Ва жуда қўрқдим. Вужудимни титроқ эгаллади. Аҳволим шундай оғирлашдики, сизларни танимай қолдим.

2 Азроилни кўришим билан қўрқувим кучайди. Жуда ҳайбатли эди... Дунё ҳаётидаги ғафлатимга афсусландим. Ўша дамда Аллоҳ таолодан солиҳ амаллар қилишим учун ўлимимни кечиктириши ҳамда мени қайтадан ҳаётга қайтаришини сўрадим. Лекин вақт ўтиб кетган эди. Истагим қабул бўлмади.

3 Табиийки, буларни сиз билмадингиз. Мен чекаётган азобларни ҳис қилолмадингиз. Ҳа, шунақа! Қаердан ҳам биласиз? Менга ўхшаб Азроилни ҳали бутун даҳшати билан кўрмадингиз-ку! Тирик пайтимда «сакароти мавт» ҳақида эшитган эдим. Жон чиқиш маҳалида шу оғир бехушлик ҳолатини бошимдан ўтказдим. У жуда оғир! Азобни тушунтириб бериш мумкин эмас. Фақат умри ниҳоясига етиб, Азроил билан юзлашганларгина билади, ҳис қилади... Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, сакароти мавтда менга ёрдам бер», дея қилган дуолари ҳақида имомларимиз айтишарди. Гўё қулоғимнинг бунисидан кириб, нафсимга асло таъсир қилмай, иккинчисидан чиқиб кетарди. Ҳаммаси тўғри экан...

**Онажон!** Ўлим они «қассобнинг қўлида териси шилинган қўйнинг тушган они каби» бир ҳолат... Изтиробга тўла он. Жуда, аммо жуда оғир

ва жуда қўрқинчли... Бу қўрқинчли манзара олдида, биласизми, онажон, руҳим танамдан чиққиси келмади. Бўлакларга ажралди ва танамнинг турли бурчакларига қоча бошлади. Руҳим қаршилик қилгани сари фаришталар мени дўппосладилар. Шундай урдиларки, бутун вужудим зирқираб кетди.<sup>4</sup> Шу алфозда, ҳали руҳим чиқмасиданоқ қабр азоби бошланган эди. Ниҳоят руҳим вужудимни тарк этганидан сўнг калтак ейишдан қутулдим...

Бир савол мени қийнарди: шунча калтакка лойиқ нима иш қилган эканман? Лекин кейинроқ ҳар бир урилган калтакнинг сабабини тушуниб етдим. Бу калтаклар дунё ҳаётида қилган ёмон амалларим натижаси экан...

5 Азроилнинг ёнида яна икки фаришта бор эди. Бири раҳмат, иккинчиси эса азоб фариштаси. Вафот этган киши яхши бўлса, Азроил олган руҳини раҳмат фариштасига, ёмон киши бўлса, азоб фариштасига берар экан. Аллоҳнинг амри шундай. Бир қанча вақт давом этган азобдан сўнг ниҳоят Азроил руҳимни олди ва уни азоб фариштасига топширди. 6 Ўша дамда бир оз аввал кўрсатилган охиратдаги жойимнинг нақадар ёмон эканини янада яхшироқ тушундим. Зотан, руҳим олинаётганда бир қуш каби кўксимнинг энг уст томонига, халқумимга учиб чиқди. Шу пайт фаришталарнинг гап-сўзларидан ҳамма нарса ойдин бўлди. Чунки «Буни ким муолажа қиласи?» дея бир-бирларидан сўрар эдилар.<sup>7</sup> Бу ҳолатда ва ундаги қийинчиликларни тушунтириб бериш қийин, онажон... Фаришталарни кўрганимда оёқларим бир-бирига чалишди. Балки сиз ҳам оёқларимдан қоннинг қочиб, оппоқ, муздек бўлиб қолганини сезгандирсиз...

**8 Мана шунақа, онажон!** Мен дунёдан олиб келган ёмон амалларим сабабли фаришталар руҳимни баданимдан қийинчилик билан олишди... Булар Нозиъат фаришталари экан. Агар амалларим яхши бўлганида, яъни солиҳ амал эгаси бўлганимда очиқ чеҳрали, енгил жон оловчи Ношият фаришталари руҳимни олишар эди... Ва менга Аллоҳнинг саломини йўллаб: «Салом сенга, эй Аллоҳнинг валий қули, муҳаққақи, Аллоҳ таоло сенга салом юборяпти», дер эдилар...<sup>9</sup> Лекин буларнинг бари бекор! Мана шу алфозда ғафлатимдан пушаймон бўлдим, онажон! Шояд, Азроил келганида таҳоратли бўлиб, бир киши тепамда Қуръон ўқиса, кўп солиҳ амаллар қилиб, мисвок ишлатган бўлсам, бунчалик азоб чекмас эдим. Жон беришим осонроқ кечар эди...<sup>10</sup> Ёки ёнимда турган солиҳ бир дўстим мен учун Азроилга: «Эй Азроил! Дўстимга раҳминг келсин, унга юмшоқ муомалада бўл. Чунки у мўминдир», дея ҳаққимга дуо қилса, бунча азоб чекмас эдим...<sup>11</sup> Тўғриси, Азроилдан, унинг ҳайбатидан қўрқдим. Чунки у ҳали руҳимни олмасиданоқ даҳшатли қиёфада кўринди. Кошки кўзларим кўр бўлиб, унинг қўрқинчли қиёфасини кўрмасайдим. Бироқ сўқирлик мени қутқаролмасди, барибир уни кўришга маҳкум эдим. Биз тушунган жисмоний кўрликнинг у

даргоҳда аҳамияти йўқ экан. Ким бўлишидан қатъий назар ҳамма ўлим пайтида, ҳали руҳи чиқмасидан малакул мавтни кўрар экан... **12 Билмайман, онажон**, руҳим вужудимни тарк этаётганида томофим бўғилиб, хириллаган овозимни, юзим ўзгариб, қорая бошлаганини ва оғзим кўпирганини кўролдингизми? Менимча, йўқ... Шунчалик кўп йиғладингиз, дод-фарёд қилдингизки, бу ҳолда мендаги ўзгаришларни сезиш имконсиз эди. Яхши ҳам кўрмадингиз, онажон! Чунки ўша ҳолимни кўрганингизда, балки охиратдаги аянчли оқибатимни тахмин қилиб жуда эзилар эдингиз. Ҳолбуки, дунё ҳаётидаги амалларим яхши бўлганида на рангим қораяр, на овозим хириллар ва на оғзим кўпиравди. Бу аянчли ҳолат ўрнига пешонамда мунчоқдек-мунчоқдек тер пайдо бўлиб, **13 қўзларим** ёшланар, юзим нурланар ва бурун тешикларим кенгаяр эди. Албатта, буларнинг бари менга ҳузур берарди.

**14 Ҳа, яна бир нарса, онажон**, жон чиқиши пайтида марҳумнинг ҳолини кўриб, у ҳақида асло ёмон гап гапирманлар. Бу энг ёмон ва таҳликали, яъни ҳалоллашнинг имкони йўқ бир фийбат саналади. Асло эсингиздан чиқарманг! Яхши инсонларнинг жонлари узилмасидан гуноҳлари енгиллашсин. Ўлим пайти шундай азоб берилиши мумкини, буни сиз билмайсиз-ку! Айни дамда жон чиқищдаги қийинчилик марҳумнинг гуноҳини енгиллатувчи каффорат бўлиши мумкин. **15 Онажон!** Сизга танамдаги руҳни қандай олганларини ҳам тасвирлаб бераман. Юқорида айтганимдек, Азроил бошқа фаришта билан бирга ёнимга келди. Буларнинг барини кўриб турдим. Фаришталардан иккитаси вазифасини адо этиш учун оёқларимдан бошлаб, танамнинг турли жойларига қочган руҳимни юқорига қараб сидира бошладилар. Ҳиқилдоғимгача олиб келишди. Шундан сўнг Азроил ишга киришди ва руҳимни суғуриб олди... **16** Ва минг афсуски, руҳимни азоб фариштасига топширди. Чунки менинг дунёдан олиб келган яхши амалларим йўқ эди. Аҳволим шуни тақазо қиласарди... Азоб фариштаси менга руҳимни кутдиришини айтди. Чунки само гумбазлари гуноҳкор бўлганим учун менинг руҳимни қабул қилмади. Ҳолбуки, дунёдаги амалларим яхши бўлганида Азроил руҳимни раҳмат фариштасига топширади. У эса менинг руҳимни Аллоҳ ҳузурига олиб чиқар эди. Биласизми, онажон, сизлар менинг танамни кафанга ўраётганларингизда, фаришталар ҳам Аллоҳ ҳузурига олиб чиқиши учун руҳимни кафанаётган эдилар. **17** Албатта, сизлар буни кўролмайсиз. Одамлар жасадимни елкаларидан тушириб, қабрга қўйиб, устимдан тупроқ тортишганидан кейин фаришталар руҳимни қайтадан танамга жойладилар. Ақлим яна бошимга қайтарилди. **18**

**Биласизми, онажон?!** Фаришталар руҳимни дунё осмонига кўтариб эшик очилишини сўраганларида яхши амалларим бўлмагани учун эшиклар очилмади. Фаришталар руҳимни Сижжинга олиб бориб, ёмон

амаллар дафтариға қайд эттирганларидан сўнг яна жасадга қайтардилар.

**19 Ох, онажон!** Агар яхши амалларим бўлганида руҳимни самога раҳмат фаришталари олиб чиқар, само эшиклари очилиб, амалларим Иллийинда қайд эттириларди. Бундан ташқари у ерда солиҳ инсонларнинг, мўминларнинг руҳлари билан ҳам учрашган бўлардим. Улар мендан: «Фалончи нима қиляпти?» деб сўрашарди. Мен эса: «У ҳам ўлди, бу ерга келмадими?» дер эдим. Шунда улар вафот этган кишининг (гуноҳкор бўлгани учун) жаҳаннамга олиб кетилганини ва само эшиклари унга ҳам очилмаганини тушунтириб беришарди.

**20 Мехрибон онагинам!** Болам вафот этди, дея кўзларимни юмганингизда мен бир нуқтага тикилиб, танамдан олинган руҳимни кузатиб ётардим.<sup>21</sup> Кимлардир бақир-чақир қилиб, марсиялар ўқиб, баланд овозда йиғлай бошлади. Бу ҳолат мени ранжитди. Чунки «оҳвоҳ»лар менга азоб бераётган эди.<sup>22</sup> Азага келганлардан кимдир мен учун раҳмат тилаб, хайрли дуо қилди. Билсангиз, ана шунда мен жуда хурсанд бўлдим. Чунки уларнинг дуосига фаришталар омин, дейишаётган эди. Кўзларим юмиб қўйилди.<sup>23</sup> Сўнг жағимни боғлашди. Кийимларнинг ўз вақтида ечиб олингани яхши бўлди. Кўрганингиздек, руҳим олинганидан кейин музлаб қолган эдим. Оёқ бармоқларимни бирбирига боғлашни ҳам ўз вақтида бажардингизлар. Фақат ўлимим хабарини дўстларимга етказишида бир оз бепарво бўлдингизлар.<sup>24</sup> Жаноза намозига йиғилган жамоатнинг кўпроқ бўлишини хоҳлардим. Чунки уларнинг кўплиги мен учун шафоат эди. Аммо масjidгача бориб, жаноза намозини ўқимаганлар мени жуда хафа қилишди. Сизлардан кўнгил сўраш мақсадида жанозамга қатнашиб яхши қилдилар. Жаноза намозини ўқишса, нима бўларди? Ҳам мени севинтиришарди, ҳам ўзларига фойда бўларди.

**25 Суюкли онажоним!** Қайси бир куни мени (қабримни) зиёрат қилиш учун келдингиз, менга салом бердингиз. Мен ҳам саломингизга алик олдим, эшита олдингизми?<sup>25</sup> Сизни интизорлик билан кутаман. Келишингиз мени қанчалик севинтиришини билсангиз эди. Тез-тез келиб туринг, майлими, онажон!.. Саломдан сўнг мен учун мағфират тиласангиз, янада мамнун бўламан. Шунга муҳтожман...

**27 Онажон!** Мендан жаҳлингиз чиқмасин, бу ерда жуда нотинчман. Ҳозир дунё ҳаётидаги ғафлатимнинг азобини тортяпман. Руҳим доим изтироб ичида... На самодаман, на ерда. Иккисининг ўртасида қолдим. Кошки ҳаётлигимда солиҳ амаллар, яъни хайрли ва яхши ишлар қилсам эди. Ўшанда Иллийинда бўлардим. Жойим ҳам аниқ бўларди. Буни жуда-жуда хоҳлайман. Чунки дунёда Аллоҳга берган аҳдига содик қолганлар, яхши амал эгалари борки, улар гўё жаннатдагидек ҳаёт кечиришади. Шунда ҳам аҳволимга шукр қиласман. Мени кечроқ бўлса

ҳам, қутқарадиган иймоним бор. Зеро, инкорчи (кофир)лар аҳволи жуда оғир. Уларнинг руҳи етти қават ер остидаги Сижжинда, қора қушларнинг оғзида ёки жиғилдонида азобланяпти.

**28 Онажон!** Бу ерда инсонлар бир-бири билан кўришишлари ҳам мумкин. Лекин бу имконият солиҳ амал эгаларига берилган. Яхши амал эгалари бир-бирларини зиёрат этадилар. Ҳаёти дунёда бўлиб ўтган ва келажакда бўладиган нарсалар ҳақида музокара қиласидилар. Аммо ҳамма хоҳлаган инсони билан кўришолмайди. Фақат амал жиҳатидан даражалари тенг бўлганлар бир-бири билан кўришадилар.<sup>29</sup> Мен эса ҳеч ким билан учраша олмаяпман. Худди тутқунга ўхшайман. Ташвиш шунчалик кўпки, фурсатим йўқ. Қолаверса, бу ерга гуноҳларим учун менга рухсат берилмайди.<sup>30</sup> Бу оламнинг қонуни мана шундай, онажон! Кошки мен ҳам ҳаётлигимда гўзал амаллар қилиб, бу ерга хайрли амаллар билан келганимда эди. Ўшанда отамни ҳам кўрадим. У кишини кўришни жуда ҳам хоҳлайман, бу орзуимдан сизнинг хабарингиз йўқ. Отамнинг чиройли амаллари уни қутқариб қолган бўлса керак, мен турган азоб жойида у кишини учратмадим.

**31 Онажон!** Жанозамга келганлар устимга тупроқ тортиб қайтиб кетишгач, руҳим танамга қайтди. Ўша дамда мени қабрга қўйганларнинг оёқ товушларини эшитаётган эдим. Шу заҳоти ёнимга икки малоика келди. Уларнинг бири Мункар, иккинчиси Накир эди. Улар шу даражада ҳайбатли эдик, қўрқувдан нима қилишни, нима гапиришни билмай қолдим. Чунки ҳамма нарса равшан... Охиратдаги оқибатимни тахмин қилаётган эдим. Зотан, жаҳаннамдаги жойим ҳам бир оз аввал кўрсатилинган эди. Шунинг учун қиёмат бошланишини ҳеч истамайман, онажон! Чунки қиёмат бошланса, жазо олиш учун жаҳаннамга кираман...

**Қўрқяпман, онажон, жуда қўрқяпман!..** Бироқ амали яхши бўлганлар, яъни бу ерга савоблар билан келганлар жуда хушнуд. Мункар ва Накирдан асло қўрқмайди улар. Жаннатдаги жойларини ҳам аввалдан кўришган. Шу боис улар тезроқ қиёмат бўлса-ю, жаннатга тезроқ етишсак, дея ҳаяжон ичидалар.

**Онажон!** Айтганимдек, Мункар ва Накирнинг ҳайбатини кўрган заҳотим қўрқиб кетдим. Улар мендан «Раббинг ким? Дининг нима? Пайғамбаринг ким?» дея сўрашди. «Китобинг нима? Қибланг қаер? Иймонинг нима? Амалинг нима?» каби саволлар ҳам берилди. Бу сафар ўзимни йўқотиб қўйдим ва саволларга тўғри жавоб беролмадим. Ва роса бақирдим, овозимни эшита олдингизми, онажон?!<sup>32</sup> Ҳолбуки, саволларнинг жавоби қийин эмас. Яхши амал эгалари «Раббим – Аллоҳ, диним – Ислом, Пайғамбарим – Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», дея осонгина жавоб беришди.<sup>33</sup> Чунки Аллоҳнинг қонуни шундай: «Ҳар ким қилган амалига ярасасини кўради».

**34 Онажон!** Юқорида таъкидлаганимдек, ҳозир катта азоб ичидаман. Қабрим мени сиқяпти...35 Доимо ғам-қайғудаман. Яқинларим билан учрашолмаяпман, сизлардан хабар ололмаяпман. Жой-маконим аниқ әмас. Буларнинг ҳаммаси мени изтиробга соляпти. Устига-устак ҳар куни эрта-ю кеч жаҳаннамда тортадиган азобларим менга такрор-такрор кўрсатилади. Бу мени янада кўпроқ қўрқув ва изтиробга солади. Аммо умидсизликка тушаётганим йўқ. Чунки бу азобдан қутулолсам, ҳеч бўлмаса, Дори мавқиф, дейилган маҳшарда тоза бўламан. Агар тортаётган бу азоб туфайли қабр ёки маҳшарда гуноҳлардан поклана олмасам, жуда қўрқаяпман, онажон, жаҳаннам ўтида тозаланаман. Чунки гуноҳлардан покланиб, Аллоҳнинг раҳматига етишмаганлар жаннатга киролмайдилар. Жаннатга кириш учун гуноҳлардан холи бўлиш шарт. Бу ернинг ўзгармас қонуни бу: «Покланмаганлар (яъни, гуноҳлардан халос бўлмасдан) ҳеч жаннатга киролмайди. Чунки у ер покиза кишиларнинг жойидир».

**36 Оҳ, онажон!** Жаннатни қанчалик орзу қилишимни билсангиз эди. У ерни таърифлашнинг имкони йўқлиги ҳақида кўп эшитамиз. Бу эса у ерга бўлган орзуимни янада оширади. Жаннатда ҳамма нарса бор экан. Нимани истасанг, дарҳол берилар экан. Сиқилиш йўқ. Кенглик бор. Ғам-қайғу йўқ, севинч бор экан. Севган кишиларингни кўрар экансан. Яъни, сизга тушунтирсам, онажон, «йўқ», деган нарсанинг ўзи йўқ экан жаннатда. Айниқса, мукофотларнинг энг улуфи – ҳаётлигимда насиҳатларига қулоқ солмай, ғафлатда қолганим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Ҳавзи Кавсарнинг атрофида учрашиш экан.37 Бундан ташқари, онажон, Аллоҳ таолони ҳам у ерда кўрар эканман. Бу ҳам менга ўзгача бир ҳаяжон беряпти. Ва ўзимга ҳозир шу қабр азобига охиригача чидаб, поклан-да, жаннатга кир, деяпман... Лекин, онажон, жаннатнинг барча неъматларидан истеъфода этишни хоҳлаётган бўлсангиз, хайрли амалларингизни кўпайтиришингиз лозим. Хайрли амаллар – охиратдаги сармоя ва бойлигингиз. Улар билан жаннатдаги даражангиз юксалади ва истеъфода этадиганингиз неъматлар ҳам кўпаяди. Жаннатда сон-саноқсиз неъматлар бор, аммо текин әмас. Улар сармоянгизга қараб берилади. Сармояси оз бўлганларга бериладиган неъматлар ҳам, даражалари ҳам сармояси кўпларникига нисбатан бошқача бўлади. Бу эса Аллоҳ таоло адолатининг натижасидир.

**38 Онажон!** Биласизми, бу ерда ҳамма ҳам менга ўхшаб азобланмайди. Баъзилар борки, қабрлари жаннат боғларини эслатади. Бундай инсонлар ҳаётлик чоғларида яратилиш ғояларини билиб, ўзларини бу оламга тайёрлаганлар. Яъни, онажон, улар Аллоҳнинг амр ва қайтариқлариға қулоқ солиб, қуллик вазифаларини рисоладагидек бажо келтирган мўминлардир. Улар қабрга (охиратга) тайёргарлик билан келганлар. Уларга ҳам эрата-ю кеч жаннатдаги мақомлари кўрсатилади. Уларни қабр сиқмайди, аксинча, оҳиста силайди. Қабрларида жуда тинч-

хотиржам ётишади. Дунё ҳаётида тилларидан тушмаган ёки эшитганлари Қуръон, бир ҳимоя воситаси деб билганлари таҳорат, ҳамма ширин уйқуда ётганида истироҳатларини тарқ этиб, уйқуларини бўлиб Аллоҳ ризоси учун ўқиган таҳажҷуд намозлари, айтган зикрлари ҳозир қабрларида биттадан нур бўлиб, қабрларини ёритиб турибди.<sup>39</sup> Ўша амаллар қабрларини жаннат боғига айлантириб юборган. Мана шунаقا, онажон, ахир уруғ экмаган ҳосил йиғолмайди-ку! Улар ҳаётликларида экканларининг мевасини ҳозир йиғяптилар, соясида салқинлаяптилар. Э воҳ! Аммо мен учун энди «оҳ-воҳ» қилишнинг фойдаси йўқ, онажон! Бу ерда яна бир тоифа инсонлар борки, уларга ҳавас қиласман. Тупроқ уларнинг жасадларини ҳеч нарса қилолмайди. Жасадлари чиримай, бор ҳолича туради. Ҳеч қандай ҳайвон, қурт-қумурсқа уларнинг таналарига яқинлашолмайди. Илон-чаёнлар вужудларини илма-тешик қилолмайди. Соппа-соғ ҳолларида жаннатдек боғларда юришади. Улар пайғамбарлар, шаҳидлар ва Аллоҳ муносиб кўрган Аллоҳнинг дўстлари...

**40 Онажон!** Бу ер қабр, дейилади. Кимdir ғам-қайғу ичидаги жазосини олади, кимdir жаннат боғларида баҳтиёр ҳаёт кечиради.. Лекин, онажон, асло «Бу адолатданми?» деманг. Ҳақиқий адолат мана шу! Бу ер ўзгача бир олам, онажон! «Барзах», «қабр», деганларидек умуман бошқа бир олам! Дунёда бу ер ҳақида айтилган гапларнинг барчаси рост. Аммо тушунтиришнинг ўзи етарли эмас. Аслида бу ерни тушунтириш қийин. Ҳатто мен шу онда кўраётганимни бор ҳолича сизларга таърифлаб беришга қийналяпман. Чунки дунё ҳаётидаги ўлчовлар билан бу ернинг ўлчовлари бир хил эмас. Бир сўз билан айтганда, жуда оғир бир ҳаёт. Айниқса, мен каби гуноҳкорлар учун... Қабрим мени сиқяпти. Бу ҳам етмагандек, бошимга гурзи билан уриляпти. Жуда кўп азоб чекяпман. Бақирияпман, фарёд қиляпман.

**Онажон,** оҳ-у зоримни эшитяпсизми? Албатта, эшида олмайсиз. Ҳолбуки, сизлардан бошқа ҳамма нарса бу аччиқ фарёдни эшитади.<sup>41</sup> Бу азоб қачонгача давом этишини ҳам билмайман. Барбири умид қиляпман. Аллоҳнинг раҳмати келса, балки яхши амалларимдан, ҳеч бўлмаса, биттаси сабабли азобдан қутулсан.<sup>42</sup> Чунки бу ерда азоб баъзилар учун давомий, баъзилардан эса соқит бўлади. Шунинг учун мен сизнинг дуоингизга жуда муҳтожман. Бу ғофил ўғлингизнинг қутулиши учун кўп-кўп дуо қилинг, онажон!

Қабрда азобланишга сабаб бўлган баъзи хатоларимни билишни хоҳласангиз керак, онажон. Бу хатоларнинг бир қисми ҳаётимда унча эътибор берилмаган нарсалар. Ҳозир уларнинг муҳимлигини тушуниб етдим. Бироқ бундан фойда йўқ. Қабр азобимни орттирган нарсаларга, масалан, сийдикка беэътибор эдим. Бу нажасдан беҳузур бўлмасдим. Шунга жуда енгил қараганим учун ҳозир азобини тортияпман.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларига қулоқ солмай қилган ғийбатларим бор. Азобимни орттирган энг ёмон амалларимдан бири ҳам шулар.<sup>43</sup> Шунингдек, бирордан озгина қарз олган эдим, шуни ҳам қайтармасдан келдим бу ерга. Зиммамдаги ўша қарз ҳам қабр азобимни орттиряпти. Нима бўлса ҳам, у кимсага қарзимни тўлаб, мени бу азобдан қутқаринг. Зеро, қарзим қайтаришмагунича азоб давом этаверади.<sup>44</sup> Сизларнинг баланд овозда йиғлашингиз, юзларни юмдалаб, соchlарни юлишингиз ҳам менинг бу ердаги азобимни орттиряпти.<sup>45</sup> Тўғри, айрилиқ учун қайғуринг, аммо исён даражасида фарёд қилманг. Яна, онажон, ҳатто айтишга уяляпман, баъзан майдачуда дунё манфаатлари учун ёлғон гапириб турардим. Айниқса, бемалол, эҳтиёж зарурати баҳонасида ейилган озгина фоиз пуллари ҳам мени паришон этди. Шу сабабли азобим ошиб боряпти.

**Онажон!** Яна сизнинг хабарингиз йўқ, бир-икки марта ўғирлик ҳам қилган эдим. Арзимас нарсалар эди, лекин нима бўлса ҳам, номи ўғирлик. Биламан, агар бундан боҳабар бўлганингизда мени жазолардингиз... Кошки боҳабар бўлсайдингиз, ҳисоб-китоб бу кунга қолмаган бўларди. Шу нарсалар азобимнинг кучайишига сабаб, чидаш қийин бўлиб қолади. Шунда ҳам баъзан шукр қиламан, ойижон! Чунки бу ерда шу даражада кучли азоб чекаётганлар борки, уларнинг фарёдидан ҳатто мен изтиробга тушаман. Булар мендан ҳам гуноҳкорроқ кишилар... Улардан кимдир ҳаётлигида ёлғон гувоҳлик берган, номусли аёлларга тұхмат қилган, инсонларга тили билан озор етказган, етимнинг ҳаққини еган, бирорларнинг молини ноҳақ ўзлаштириб олган, ҳийла-макр қилган, бошқа мусулмонларнинг хато ва яширин айбларини ошкор этган, кибр-ҳавога берилган, иккюзламачилик, риёкорлик қилган, қариндошуруғлари билан алоқани узган, факир, бечораҳол, етим кимсаларга ҳамда ҳайвонларга раҳми келмай, азият етказган, одам ўлдириш каби Аллоҳ берган жонга суиқасд қилган...

**Ҳа, онажон,** бу ердаги азоб ана шунаقا. Дунёда қилган гуноҳи даражасига кўра ҳар кимнинг азоби оғир ёки енгил бўлади. Шу боис фурсат борлигида қўйидаги эслатмаларимни яхшилаб ёдигизда тутинг, онажон: – Қуръонда ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида нима дейилган бўлса, уларнинг ҳаммасига қатъиян ишонинг. Уларнинг бари тўғри... Ва буюрилганини ўз ўрнида адо этинг;<sup>46</sup> – мен йўл қўйган хатони сиз қайтарманг, ҳаётлигимда олдимга сочиб ташланган неъматлар нима учун берилгани ҳақида ўйлаб кўрмаган эдим, ҳолбуки, улар имтиҳон учун берилганини бу ерга келганимда яхшироқ тушундим;<sup>47</sup> – фарз ва вожиб ибодатларини бекаму кўст ва тўхтовсиз адо этинг, имкон бўлди, дегунча нафл ибодатлар билан бу ерга олиб келинадиган озуқани бойитинг; – яхши инсон бўлинг, бу ерга тўла-тўқис яхшиликлар билан келинг; – бу ерда амалингизга илова

қилинадиган ҳеч нарса йўқ, бутун сармоянгиз дунёдан олиб келадиган яхши ёки ёмон амаллардан иборат, холос, шунинг учун бу ерга дунёдаги солиҳ амалларингиз билан сармоянгизни бойитиб келишингиз лозим; – ҳазрат Али розийаллоҳу анҳу: «Дунёда амал бор, ҳисоб йўқ, охиратда ҳисоб бор, амал йўқ», дея ифодалаган ҳақиқатни мен ҳозир бошимдан кечириб тушундим, менинг ҳолимга тушмаслик учун сизга яна бир бор эслатяпман, бу гапларимга эътиборсиз бўлманглар; – ҳар бир намоздан кейин қабр азобидан сақланиш учун дуо қилинг;<sup>48</sup> – ўлим хасталигига чалинганингизда Ихлос сурасини кўп ўқинг;<sup>49</sup> – ўлим келганида ўзингизни йўқотиб қўйманг, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ва сизни афв этишидан умид қилинг ҳамда энг охирги нафасингизни ҳам шу умид билан чиқаринг. Чунки қандай вафот этсангиз, қиёмат куни шундай тириласиз;<sup>50</sup> – калимаи тавҳидни кўп ўқишни эсингиздан чиқарманг;<sup>51</sup> – ҳар доим Қуръон ўқиб туринг, ўқиган Қуръон савобидан менга ҳам баҳшида қилсангиз, жуда ҳам мамнун бўламан;<sup>52</sup> – гуноҳингиз қанчалик кам бўлса, жаҳаннамдаги азоб ҳам шунчалик камаяди,<sup>53</sup> шу сабабли бу оламда жазоингиз енгил бўлиши ёки жаҳаннамда ёнмаслик учун гуноҳлардан қочинг;

– **оҳ, онажон,** ҳаётлигимда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қабр жаннат боғларидан бир боғ ёки жаҳаннам чуқурларидан бир чуқур», деган гапларини эшитган эдим, қанчалар тўғри ва огоҳлантирувчи хабар экан, афсуски, вақтида тушуниб етмаган, ғафлат уйқусидан уйғонолмаган эдим, Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўриқларини бир четга қўйиб, дунё жозибаларига берилиб, шайтоннинг йўлига юрган эдим, мана энди қабрим мен учун жаҳаннам чуқурларидан бир чуқурга айланди; – қул ҳаққига қаттиқ риоя қилинглар, арзимас манфаатлар учун бирорвнинг дилини оғритманглар, кечиравчи, очик кўнгилли бўлинг, бу ерда фойдасини кўрасиз ва муфлиснинг аҳволига тушмайсиз;<sup>54</sup> – ҳасад, фийбат, фисқ-фасод қилиб, қабр азобига сабаб бўладиган гуноҳларни кўпайтирганглар;<sup>55</sup> – онажон, бу ерга гуноҳлар билан келмаслик учун вақтида «тавбаи насух» билан тавба қилинг;<sup>56</sup> – бу ерга олиб келинадиган энг қимматли озуқа Аллоҳ қўрқувидир, Аллоҳдан севги ва умид билан қўрқинг, бу сиз учун энг муҳим озуқа бўлади, бу ерда сизга жуда фойдаси тегади, вақти келганида «Ё Раббим, қўрққаним учун амрларингга амал қилдим ва ҳаромлардан узоқлашдим»,<sup>57</sup> дея оласиз; – шунингдек, бу ерга асло қарз билан келманг, жуда қийин аҳволга тушиб қоласиз;<sup>58</sup> – сизлардан яна бир илинжим шуки, бизни зиёрат қилиш учун келганда салом беришни асло унутманглар,<sup>59</sup> барча садақа ва хайрли амалларингизнинг савобини бизга бағишлиланг, қўрқманг, сизнинг савобингиздан ҳеч нарса камаймайди;

– Қабрни зиёрат қилишда жуда эҳтиёт бўлинг, тағин савоб ўрнига гуноҳ орттириб олманг, шуни эслатиб қўяй, қабр аҳлидан ҳеч нарса сўраманглар, биз сизларга бирор нарса берадиган аҳволда эмасмиз, аксинча, биз сизларнинг дуоларингизга муҳтож бўлиб турибмиз;60 – Қабр зиёрати сизларни ўйлантирсин, ўлимдан кейинги ҳаётни, қабр ҳаётини ўйланг, «Кеча ким эдим, бугун кимман, эртага нима бўламан?» дея мулоҳаза қилинг, қабр зиёратлари аслида сиз учун лозим;61 – зиёрат пайти қабримизни оёқ ости қилманглар, устимизга ўтиранглар, бизни безовта қиласиз, аммо қабр четига ўтириш мумкин;62 – қабр зиёратига келганда мутавозеъ бўлинглар, асло кибрга берилманглар, бир кун сизлар ҳам бизнинг ҳолимизга тушишни тафаккур қилинглар;63 – зиёрат пайти янги чиққан майсаларни юлманглар, дараҳтларни кесманглар, имкон бўлса, дараҳт экинглар, уларнинг бизга жуда кўп фойдаси бор, улар сабабли қабр азобимиз маълум муддат енгиллашади;64 – қабр тепасида асло очиқ-сочиқ дод-фарёд қилманглар, бундай амаллар бизнинг ҳаловатимизни йўқотади;65 – ҳа, яна бир нарсани ҳам айтиб қўяй, ўлганимдан кейин аза тутмаганингиз учун жуда хурсанд бўлдим, мен учун аза очганингизда, шу сабабли яна азобланардим;66 – қабр зиёратига келганда бизни ўйланглар, қабримизнинг шаклини эмас, шунинг учун қабрни безашга ҳаракат қилманглар, бизга ҳеч қандай фойдаси йўқ, аксинча, исрофгарчиликка йўл қўйиб, гуноҳга ботасизлар; – устимизга мақбара ҳам қурманглар, биз мақбаралар билан эмас, дуолар, хайрли амаллар билан эсланишни истаймиз;67 – қабримиз устида дуо қилинг, аммо асло қурбонлик сўйманглар, Аллоҳ ризолиги учун сўйилиши лозим бўлган қурбонлик қабр тепасида (ёки мақбараларда) сўйилса, макруҳ иш қилинган бўлади; 68 – қабр зиёратига берилиб кетиб, унинг устида намоз ўқиманглар, бу намознинг биз учун ҳеч қандай фойдаси йўқ, аксинча, сиз учун катта гуноҳдир;69 – мозор бошида шам ҳам ёқманглар, бунга ўхшаш бошқа бир диннинг одатини қилиш, тўғриси, бемаъни бир ҳаракат, сизларнинг дуо ва ўқиган оятларингиз қабримизни ёритади, шамлар эмас. Бундай bemayni одатлардан воз кечинглар; – яна бировлар қабрга ёнларида дуолар ёзилган туморлар билан келишади, буларнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ, бекордан-бекорга олиб келманглар, бу ерда фақат кишининг ҳаёт пайтидаги тақвоси ва яхши амаллари фойда беради, яъни ҳақиқий охират озуқаси кишининг амалларидир;70 – шунингдек, қабримиз тепасига, дараҳтларга латта-путталарни боғламанглар, уларнинг ҳам бизга ҳеч қандай фойдаси йўқ, сизлар эса кўплаб гуноҳ орттириб оласизлар, эски ирим-сиримларнинг асороти бўлган бундай бидъатларни қилманглар, бу ерга келган пайтда ўша bemayni ишларингиздан афсус чекасизлар; – Баъзан зиёратга келганларнинг қабримиз тупроғидан олаётганини сезамиз, бу билан нима қилмоқчи бўлишади? Зиёратга лойиқ кўрилган қабр эгалари бу мавқеъга амаллари

билин эришади, тупроқлари билан эмас, бу янглиш амални асло құлманглар; – сиздан аввал вафот этган яқынларингизга салом юборишиңгиз мүмкін, агар қабрдаги ахвол ва даражалари бир хил бўлса, орамизга янги қўшилганлар саломингизни яқынларигизга етказадилар;<sup>71</sup> – солиҳ амалларни (Аллоҳга хуш ёқадиган амалларни) кўпайтиргилар,<sup>72</sup> бу сизнинг дунё ва охиратда қутулишиңгиз учун энг қимматли сармоя бўлади; – камтар бўлинглар;<sup>73</sup> – олди-сотди вақтида беҳуда қасам ичманглар;<sup>74</sup> – ота-онангизга яхшилик қилинг, уларнинг кўнглига қаранг, хайрли дуоларини олинг, қариндош-урӯғларнинг зиёратига бепарво бўлманглар;<sup>75</sup> – кечирувчи бўлинглар, фойдасини кўрасизлар;<sup>76</sup> – асло бошқаларни алдаманглар;<sup>77</sup> – бир-бирингиздан айб қидирманглар;<sup>78</sup> – жамоат намозидан қолманглар, жуда қўп фойда топасизлар<sup>79</sup> (эркаклар учун); – ҳасислик қилманглар, Аллоҳнинг берган неъматларидан тўғри фойдаланинглар;<sup>80</sup> – жўмард бўлинглар, бироқ исрофдан сақланинглар, ҳасадгўйликка сабабчи ҳолатлар сизлар учун зарар бўлишини унутманглар;<sup>81</sup> – жума намозини асло ўтказиб юборманглар<sup>82</sup> (эркаклар учун); – орангизда аразлашганлар бўлса, уларни яраштириб қўйинглар;<sup>83</sup> – аразлашиб юрманглар;<sup>84</sup> – ўзаро тўғри муомалада бўлинглар;<sup>85</sup> – давлат мулкини ўзлаштириб олманглар, давлат мулкини олганлар бир кишининг эмас, сон-саноқсиз кишилар ҳақига хиёнат қилишини ёдингизда тутинглар;<sup>86</sup> – тилингизга ҳоким бўлинглар, бирорнинг дилини оғритманглар, дилозор бўлманглар, ёлғон гапирманглар;<sup>87</sup> – тўғри сўзли бўлинглар;<sup>88</sup> – фоиз еманглар, фоиз билан шуғулланманглар;<sup>89</sup> – фақирларни ҳимоя қилинглар;<sup>90</sup> – ҳаром еманглар, фарзандларингизга ҳам ҳаром едирманглар;<sup>91</sup> – хаста қўшниларингизни зиёрат қилинглар;<sup>92</sup> – хайрли ишларни, хусусан, қоладиган хайрларни давом эттиргилар, шу тариқа дўзах оловидан сақланасизлар;<sup>93</sup> – ҳайвонларга ҳам меҳрибон бўлинглар;<sup>94</sup> – ўзаро саломлашиб юришни тўхтатманглар, ҳамма билан саломлашинглар;<sup>95</sup> – хайрли ишларни бошлиётганда «Бисмиллаҳ» айтишни унутманглар;<sup>96</sup> – барча ёмонликларнинг онаси, бошингизга турли балоларни олиб келадиган, дунё-ю охиратда хароб этадиган ичкиликтан, гиёҳванд моддалардан узоқ юринглар;<sup>97</sup> – муборак кечалар қутулишиңгиз учун василадир, бедор ўтказишдан асло ғофил қолманглар;<sup>98</sup> – фойда қилаётганда ҳам, сарфлаётганда ҳам қаноатли бўлинглар;<sup>99</sup> – кичик гуноҳларни енгил санаманглар, кейинчалик катта зарап кўрасизлар;<sup>100</sup> – зулм қилманглар, мазлумнинг дуоибадини олманглар;<sup>101</sup> – мисвокнинг фойдасини бу ерда ҳам кўрасиз, бу гўзал суннатни адо этинглар;<sup>102</sup> – нафл ибодатларни кўп-кўп қилинглар, жуда катта фойдаси борлигини аниқ кўрасизлар, эҳтиёжманд бўлган бир пайтда сизга қимматли сармоя бўлади;<sup>103</sup> – намозни асло тарк этманг, кечиктирманг, бекаму-кўст ва давомли адо этинглар.

**Ҳа, онажон,** намозга эҳтиёт бўлинг! Чунки бу ерда амал дафтарингизда фарз намози кам чиқса, бошқа амалларингизга ҳам қаралмайди,<sup>104</sup> намозларни қолдирмасдан, ўз вақтида ўқиш билан бирга унинг файзини албатта ҳаётингизда акс эттиринг, зотан намоз сизни барча ёмон нарсалардан ва иймонсизликдан узоқлаштириб,<sup>105</sup> ўрнак бўладиган мусулмонга айлантириши лозим, акс ҳолда намозингиз расмиятчиликдан иборат бўлиб, бефойда ҳаракатдан фарқи қолмайди.<sup>106</sup> Рўза тутаётганда ҳам шу мезонга эътибор беринглар. Аллоҳ ваъда берган мукофотга эришиш ҳамда холис Аллоҳ ризоси учун рўза тутишингиз керак. Акс ҳолда ҳолимга тушасизлар. Тўғри, рамазон ойида мен рўза тутардим, лекин ўрганиб қолинган ғийбатдан тийилмасдим. Баъзан эса рўзадор бўлсам-да, ёлғон гапирадим. Арзимас нарсалар учун йўл қўйган хатоларим ҳозир менга катта тўсиқ бўляпти.<sup>107</sup> Менинг ғафлатимгавой! – Қуръон ўқинглар, чунки бу ерда қабрни энг кўп ёритувчи ўқилган Қуръон нури ҳисобланади. Бу нур менинг армоним. Сиз ҳам ғафлатда қолиб, менга ўхшаб афсус-надомат қилманг; – Қуръонни кўп ўқинглар, чунки у энг буюк шафоатчи бўлади,<sup>108</sup> лекин жуда эҳтиёт бўлинглар, факат Қуръон ўқишининг ўзи кифоя эмас, унинг амр ва таъқиқларига бўйсуниш лозим,<sup>109</sup> бўйсунмасангиз, Қуръон ўқиб ҳам гуноҳ қилган бўласиз, бу муборак китобнинг лаънатига учрайсиз,<sup>110</sup> Қуръонда билдирилган ҳалол ва ҳаромларга эътибор беринглар ва уларни яхши билиб олинглар, акс ҳолда ўзингизга қийин бўлади;

**111 Онажон,** опам ва сингилларимга ҳам айтинг, кийим-кечагига эътибор беришсин, Аллоҳнинг амрларига бўйсунсин, очик-сочиқ юришмасин,<sup>112</sup> акс ҳолда бу ерда минг бора пушаймон бўлишади ва жаннат неъматларидан бебаҳра қолишади, «Қалбим тоза, қалбимга қара, намозимни ҳам ўқийман» каби сўзлар ғафлатда қолган кимсанинг гапларидан бошқа нарса эмас, бу хатога асло йўл қўйишмасин, мўминлар барча гўзал ва шаръий амалларини кўпайтиrsa, бу ерда надомат қилмайдилар, мода, деб бутун қоматларини кўрсатадиган кийимларга бурканмасинлар, кўкракларини очиб, аврат жойларини намойиш этмасинлар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрганларидек, «кийимли яланғочлар» ўлароқ ўзларини алдамасин;<sup>113</sup> – яна билишингиз керак, бу ерда ҳеч бир гуноҳ яширин қолмайди, бошқалар кўрмайди, деган хаёлда гуноҳга қўл урманглар, чунки ҳисоб-китоб куни ҳатто гуноҳ қилган аъзоларингизнинг ўзи ҳам гувоҳлик беришади;<sup>114</sup> – Аллоҳга кўп дуо қилинглар, барча ибодатларнинг асоси ва ўзаги дуолардир, қулликнинг ифодаси ва эътирофири, дуолар мевасини бу ерда йиғасизлар, баъзан дуоларимиз қабул бўлмаяпти, дея умидсизликка тушиб, хафа бўлманглар ёки шошма-шошарлик қилманглар, агар дуоларингиз қабул бўлмаётган бўлса, сабабини ўзингиздан изланг<sup>115</sup> ва дарҳол бу камчиликларни бартараф этингки, дуоларингиз ҳам қабул бўлсин; – олди-сотдида ҳийла қилманглар, ёлғон қасам ичиб, айб-нуқсонли молни айбсиз қилиб кўрсатманглар, Аллоҳга

берган ваъдангизга содиқ қолинг, акс ҳолда Аллоҳнинг ғазабига учрайсизлар;<sup>116</sup> – нафснинг ғайри машруъ орзуларига қулоқ солманглар, тез-тез нафсингизга насиҳат қилинг;<sup>117</sup> – ўлимни орзу қилманглар, лекин ўлимга тайёр туринглар;<sup>118</sup> – ўткинчи дунё манфаати учун асло пора олманглар, пора берманглар, кейинчалик Аллоҳнинг лаънатига учрайсиз;<sup>119</sup> – мусибат келганда ҳам ибодатларни адо этишда сабри бўлинглар;<sup>120</sup> – Аллоҳнинг сизларга берган неъматларида бошқаларнинг ҳам ҳақи борлигини ўйланглар ва садака беришни унутманглар;<sup>121</sup> – силаи раҳмни ўрнига қўйинглар;<sup>122</sup> – ғийбат қилманглар, гап ташиманглар, дўстлар ўртасига нифоқ солманглар, енгил кўринган хатолар бу ерда қабр азобини орттиради;<sup>123</sup> – Аллоҳ берган беҳисоб неъматларга шукrona айтишни билинглар;<sup>124</sup> – таваккалчи бўлинглар, Аллоҳнинг дўстлигига эришасизлар;<sup>125</sup> – ваъданинг устидан чиқинглар, акс ҳолда қиёмат куни сохтакор, дея кўрсатиласизлар;<sup>126</sup> – ёлғон қасам ичманглар ва тўғри бўлса ҳам, қасам ичишдан сақланинглар;<sup>127</sup> – овқатдан олдин ва кейин қўл ювишни унутманглар, хонадонингизда ҳузур-ҳаловат қўпаяди, ўша ҳузур бу ерда ҳам акс этади;<sup>128</sup> – ерга тупурманглар;<sup>129</sup> – етимларнинг ҳолидан хабар олинглар;<sup>130</sup> – закотни ўз вақтида, бекаму-кўст беринглар;<sup>131</sup> – Аллоҳни кўп зикр қилинглар, шундагина энг ёмон хасталик – ғафлатдан қутуласизлар;<sup>132</sup> – бу ердаги ҳаётга тааллуқли эслатмалар яна кўп нарсалар бўлиши мумкин, лекин мен шу билан кифояланаман. Ҳар бир амални Аллоҳ ризоси учун қилинглар. Аллоҳга ҳақиқий қул бўлинг ва тўланиши лозим бўлган энг муҳим қарз – қуллик қарзини асло кечиктирманглар! Бошқаларни эмас, Аллоҳни хушнуд этиш учун ғайрат қилинглар.

**133 Онажон,** сизга айтар сўнгги сўзларим: – Аллоҳ таолога суюнинг, ҳақиқий дўстни топасиз; – Қуръонга тобеъ бўлинг, сироти мустақиймда бўласиз; – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақиқий муршид деб билинг, тўғри йўлдан адашмайсиз; – ибрат учун мусаллога (жанозада майит қўйиладиган жой) қаранг ва тафаккур қилинг, охиратга тайёрланасиз; – ғазабни енгинг, пушаймон бўлмайсиз; – жиҳодни нафсингиз билан қилинг, фойда кўрасиз; – нафсингизни айбор деб билсангиз, то кечиругунча кишанлаб қўйинг; – бошқаларни ҳар доим афв этинг, ўзингизни эса асло; – ўзингизни ҳар куни ҳисоб-китоб қилинг; – насиҳатни аввало нафсингиздан бошланг; – нафсингиз ва наслингизнинг ҳузури учун меъдангизга ҳаром луқма киришига асло йўл қўйманг; – ҳақиқий бойликни қаноатдан изланг; – Яратувчи билан бирга барча яратилганларни ҳам севинг; – шафқат ва марҳамат ҳамроҳингиз бўлсин; – иймон шарафи ҳаммага ҳам насиб этмайди, уни яхшилаб асранг, солиҳ амаллар билан озиқлантиришни унутманг; – дунё ва охират ҳаётингизнинг гўзал боқقا айланишини истасангиз, яхшилик уруғларини қўнглингизга экинг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари билан суфоринг, Қуръон ила сингдиринг, таровати ва

мевасини барча инсонларга улашинг; – бошқаларда кўришни истаганингиз гўзалликларни аввало ўзингизнинг нафсингизда яшанг... Ва мени кечиринг, онажон. Жаннатда кўришмоқ умиди ила Ўғлингиз.

## **МАКТУБ МАТНИГА АСОС БЎЛГАН ОЯТ, ҲАДИС ВА ИЗОҲЛАР**

1. Ибн Умардан (р.а.) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Сизлардан биронтангиз вафот этса, унга эрталаб ва кечки пайт (жаннат ёки дўзахдаги) жойи кўрсатилади. Жаннат аҳлидан бўлса, (жойи) жаннат аҳлининг (жойида), жаҳаннам аҳлидан бўлса, (жойи) жаҳаннам аҳлининг (жойидадир). Унга «Аллоҳ сени қиёмат куни тирилтиргунича сенинг жойинг мана шу», дейилади» («Кутуби ситта», 15/145).
2. Абу Мусодан (р.а.) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «(Жони чиқаётган кишининг) инсонларни таниши қачон тўхтайди?» дея сўраганимда, у зот алайҳиссалом: «(Файбий ҳақиқатларни) кўрганида!» дея жавоб бердилар» («Кутуби ситта», 17/108).
3. Аллоҳ таоло буюради: «То қачон улардан (яъни, мушриклардан) бирига ўлим келганда: «Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур» (Мўминун сураси, 99–100-оятлар). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Ўлганидан сўнг афсусланмайдиган ҳеч ким йўқ. Мутлақо ҳамма надомат қиласди: яхши йўлда бўлган киши хайрли ишини янада кўпроқ қилмагани учун афсусланади, ёмон йўлда бўлган кимса эса нафсини ёмонликлардан узоқ тутмагани учун афсус чекади» («Кутуби ситта», 15/150).
4. «(Эй, Мұхаммад, алайҳиссалом), агар сиз фаришталар коғир кимсаларнинг юз ва кетларига уриб жонларини олаётган пайтини кўрсангиз эди» (Анфол сураси, 50-оят).
5. «Дўзах азобини тотингиз! Бунга сабаб ўзларингиз қилган амалларингиздир. Зоро, Аллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилувчи эмасдир» (Анфол сураси, 51-оят).
6. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Бир мусулмоннинг жон талвасаси пайтида раҳмат фаришталари оқ ипакли кийимда келишади ва бундай дейишади: «Сен рози ва сендан ҳам (Раббинг) рози бўлган ҳолда (шу вужуддан) чиқ. Аллоҳнинг раҳмат варайхонига, сенга ғазабланманган Раббингга қовуш». Шундан сўнг рух мушкнинг муаттар ҳиди каби чиқади. Фаришталар уни бир-бирларига бериб то салом эшигигача олиб боришади ва: «Сизга ердан келаётган бу ҳид қанчалар

ажойиб», дейишади. Сўнг уни мўминларнинг руҳлари олдига олиб боришади. (Улар) унинг келгани учун сизлардан биронтангиз йўқотган нарсангизнинг қайтиб келганидан ортиқроқ севинишади. Ундан «Фалончи нима қилди? Писмадончи нима қилди?» дея (дунёдагилардан хабар) сўрашади. Фаришталар: «Уни ўз ҳолига қўйинг, унда ҳали дунёning қайғуси бор!» дейишади. Келган бу киши (ундан дунё ҳақида сўраган руҳларга): «Фалончи вафот этган эди, олдингизга келмадими?» дейди. Улар: «У онасига – Ҳовия дўзахига олиб кетилди», дейишади». Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам давом этдилар: «Кофири жон талвасасида ётганида азоб фаришталари «мисҳ» деган жундан тўқилган қўпол кийимда келишади ва бундай дейишади: «Бу жасаддан ўзинг ғазаб билан, Аллоҳнинг ҳам ғазабига учраган ҳолда чиқ ва Аллоҳнинг азобига югур!» Шундан сўнг руҳ жасаддан бадбўй ҳид билан чиқади. Фаришталар уни ер эшигига олиб келишади. У ердагилар «Бунчалар кўланса ҳид!» дейишади. Охирида уни инкорчи руҳларнинг ёнига олиб боришади» («Кутуби ситта», 15/85).

7. «Дарҳақиқат, (жон) ҳалқумга етган (вафот қилаётган кимсанинг атрофидагилар томонидан): «Дам солиб-ўқиб қўйгувчи бирон киши борми?» деб қолинган, (жон таслим қилаётган кимсанинг) ўзи (бу ҳолатнинг дунёдан) ажралиш эканини анлаган ва (жон бериш қийинлигидан) оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақтда – ана ўша Кунда ёлғиз Парвардигорингиз (ҳузури)га ҳайдалиш бордир!» (Қиёмат сураси, 26–30-оятлар.)

8. «Руҳ вужудни аста-секин тарк этади. Аввал оёқларидан юқорига қараб тортилади, оёқлар музлай бошлайди. Кейинроқ эса тиззаларга ва ундан юқорироқ қисмларга тортилади, ҳалқумгача келганида инсоннинг дунё билан алоқаси узилади. Дунёни кўра олмайди, нариги оламга йўналган бўлади» (Имом Фаззолий).

9. «(Мўминлар Аллоҳга) рўбарў бўладиган Кунда уларга (Аллоҳ томонидан йўлланадиган) салом (уларга дўзах азобидан) омонлик тилаш бўлур...» (Аҳзоб сураси, 44-оят). «Улар (ширк ва исёндан) пок бўлган ҳолларида, фаришталар уларнинг жонларини олар эканлар: «Сизларга тинчлик-омонлик бўлгай. (Энди) қилиб ўтган амалларингиз сабабли жаннатга кирингиз», дерлар» (Наҳл сураси, 32-оят). «(Кофириларнинг жонлари баданларининг) ич-ичидан қаттиқ суғуриб оладиган (фаришта)ларга қасам; (мўминларнинг жонларини осонлик билан) илдам тортиб оладиган (фаришта)ларга қасам; (осмонлар билан ер ўртасида) силлиқ сузиб, (ўз зиммаларидағи вазифаларни адо этишда) шошиб-ўзиб, (Аллоҳ буюрган барча) ишнинг тадбирини тузиб турадиган (фаришта)ларга қасамки, (сизлар албатта қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсиз)» (Ван-нозиот сураси, 1–5-оятлар).

10. S. Toprak, O'umden Sonraki Hayat, shf. 108.

11. Ибн Касир тафсири, 3/458.

12. «Умар ибн Абдулазиз жонлари узилишидан олдин бирдан бошларини кўтариб, бир нуқтага тикилиб қоладилар. Ёнлари дагилар бу қарашнинг сабабини сўрашганида, «Мен ҳозир шундай кимсаларни кўряпманки, улар инсон ва жин эмаслар», дейдилар ва рухларини таслим этадилар» (Суютий). Машхур фақиҳ Икримадан «Рухи олинаётганда кўрлар ҳам малакул мавтни кўришадими?» деб сўрашганида, «Ҳа», дея жавоб берганлар.

13. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Мўмин пешонасининг тери билан ўлади» («Кутуби ситта», 15/86).

14. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганлари ривоят қилинади: «Сиз ўликда учта нарсага эътибор беринг: агар пешонаси терлаб, кўзлари ёшарса ва бурун тешиклари шишса, Аллоҳнинг раҳматидан. Томоғи қисилган киши каби хириллаган овоз чиқариб, юзи сўлишиб, ранги ўзгарса ва оғзи кўпирса, Аллоҳнинг азобидандир».

15. Ҳазрат Оиша розий Аллоҳу анҳо ривоят қилишларича, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бу онамизнинг ёнларига киргандарида Оиша онамиз бир яқин кишиларининг ўлими яқинлашиб қолганидан хафа бўлиб ўтирадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу онамизнинг тушкунликларини кўриб: «Бу яқиннинг учун хафа бўлма. Зеро, унинг бу изтироби ҳасанотидан», дея марҳамат қилдилар («Кутуби ситта», 17/108). Умар ибн Абдулазиз ҳам шу хусусда бундай деганлар: «Менга ўлим сакаротининг енгиллаштирилишини орзу қилмайман. Чунки у (азоб) мўминнинг гуноҳларини ёпувчи ва даражасини юксалтирувчи охирги каффоратдир» (Ал-Асқалоний).

16. «... Қачонки, бирорингизга ўлим келса, элчиларимиз сусткашлик қилмаган ҳолларида унинг жонини олурлар» (Анъом сураси, 61-оят).

17. «Инсонлар ўликнинг танасини кафанлаётганларида фаришталар руҳини кафандайдилар» (Суютий).

18. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни қабрдаги аҳвол ҳақида гап очдилар. Умар ибн Ҳаттоб розий Аллоҳу анҳу қабрдаги ҳаётнинг моҳиятини яхшилаб тушуниб олиш учун «Ақлимиз бошимизга қайтадими?» дея сўрадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, бугунги ҳаётингиздагидек ақл ва шуурингиз қайтарилади», деб марҳамат қилдилар («Тажриди Сарих», 4/504).

19. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «... Фаришталар ер юзига тушириладилар. Жасад қабрга кирганидан кейин руҳ унга қайтарилади» (Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснад»). \* Ҳофиз ибн

Ҳажар бундай дейдилар: «Мўминларнинг рухлари Иллийинда, кофирларнинг рухлари Сижжийнадир».

20. Абу Ҳурайра розийАллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини ривоят қиласидилар: «Мўминнинг рухи чиққанида уни икки фаришта кутиб олади ва юқорига олиб чиқишади. Само ҳалқи: «Ер юзидан хуш ва гўзал бир рух келди. Аллоҳ сенга ва (ҳаётлигингда) обод қилганинг вужудингга салот айласин», дейишади. Шундан сўнг Азиз ва Жалил бўлган Раббига олиб боришади. Кейин: «Буни ажалнинг охирига (яъни, Сидратул Мунтаҳога) олиб боринглар», деб буюришади» (Имом Муслим).

21. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Салама розийАллоҳу анҳу вафот қилганида олдига борсалар, унинг кўзлари очиқ эди. Муборак қўллари билан унинг кўзларини ёпдилар ва бундай буюрдилар: «Рух олинганида кўз унга тобеъ бўлади (яъни, унинг орқасидан қараб қолади). Шу сабабли вафот этган кишининг кўзлари очиқ қолади».

22. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деб айтдилар: «(Изтироб ва мотамдан) юзларини юлган, уст-бошини йиртиб, умидсизликка тушган, жоҳилият дуоси билан дуо қилганлар биздан эмас» («Кутуби сittа», 15/97). Баъзи уламолар: «Овоз чиқариб мотам тутиш ҳаром эканини билган киши агар ўлган тақдирда яқинлари аза очишларини билса ҳам, уларни огоҳлантирган бўлса, яқинлари тутадиган мотам сабабли унга азоб берилади», дейишган («Кутуби сittа», 17/108).

23. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ўликларингизнинг ёнида бўлганингизда (ўлгач), кўзларини юминглар. Чунки кўз рухни кузатиб турари (шунинг учун очиқ қолади). Ва яхши сўзларни гапиринглар. Негаки, фаришталар хонадон аҳли айтиётган гапларига «Омин», дейишади» («Кутуби сittа», 17/109). Абу Ҳурайра розийАллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Инсон ўлганида кўзлари катта очилиб қолганини кўрмайсизми?» деб сўрадилар. Жамоат: «Ха, кўряпмиз», дейишди. Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мана шу кўзнинг нафсини кузатишидир!» дедилар («Кутуби сittа», 15/83).  
24. Ибнул Арабий ўлим хабарини етказиша учта ҳолат борлигига эътибор қаратадилар: – Яқин кишиларнинг, дўстларнинг, солиҳларнинг ўлимини билдириш. Бу суннат. – Риё ва мақтаниш, кўп инсонларни жалб этиш учун эълон қилиш. Бу макруҳ. – Аза ва дод-фарёд билдириш. Бу эса ҳаромдир.

25. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «Кимнинг жанозасида юзта мусулмон намоз ўқиса, у мағфират қилинади» («Кутуби сittа», 17/116). Яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ким бир мусулмоннинг жанозасини ўқиса, унга бир қиротлик савоб бор. Ким дафн қилингунча жанозада иштирок этса, унга икки қиротлик савоб бор. Мұхаммаднинг нафси қўлида бўлган Зоти Зулжалолга қасамки, қирот шу кўраётганингиз Уҳуд тоғидан ҳам каттадир» («Кутуби сittа», 17/126).

26. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр жангидаги ўлдирилган мушриклар билан тўлдирилган чоҳнинг олдига келиб, уларга қарата: «Раббингизнинг сизга бергани (азобни) ҳақиқат эканини кўрдингизми?» деб хитоб этдилар. У ердагилар: «Ўликларга гапирияпсизми, ўликлар ҳам эшитадими?» дейишганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиз улардан яхшироқ эшитмайсиз, яъни улар ҳатто сиздан яхши эшитадилар», деб жавоб бердилар (Ином Бухорий).

27. Ибн Аббос розий Аллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳлининг қабристонига кирдилар. Қабристонга юзларини буриб: «Ассалому алайкум, эй қабр ҳалқи! Аллоҳ сизни ҳам, бизни ҳам мағфират қилсан. Сизлар бизнинг салафларимизсиз. Биз ҳам орқангиздан борамиз», дедилар («Кутуби сittа», 15/135).

28. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Коғирларнинг руҳлари қора қушларнинг жиғилдонлари дадир. Оловдан еб-ичадилар. Оловдаги бир тошга қўнадилар ва: «Эй Раббимиз, биродарларимизни бизларга қўшма, бизни огоҳлантирганинг жаҳаннамни биздан узоқлаштириб», дейдилар» (Ан-Насафий).

29. «Кимда-ким Аллоҳ ва пайғамбарига итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар – пайғамбарлар, ҳақ-рост иймон эгалари, шаҳидлар ва фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар билан бирга бўлурлар. Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир» (Нисо сураси, 69-оят). Абу Ҳурайра розий аллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Муҳаққақ, жаннат аҳли у ерда бир-бирларини зиёрат этадилар» («Муснад»).

30. Ибн Қаййумнинг изоҳ беришларига кўра, азобланаётган руҳлар бир-бирлари билан кўришишга фурсат тополмайдилар. Улар худди маҳбусга ўхшайдилар. Аммо неъмат ичидаги руҳлар бир-бирлари билан учрашишади, бир-бирларини зиёрат этишади. Дунёда бўлиб ўтган ва ўтадиган нарсалар устида музокара қилишади. Ҳар бир руҳ амалда ўзининг тенги ва даражасидаги дўсти билан бирга бўлади.

31. Тобеъинлардан Саид ибн Мусайиб: «Бир киши қазо қилганида (аввалроқ вафот этган) фарзанди уни узоқ сафардан қайтган кишини

кутиб олгандек кутиб олади», деганлар.

32. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўралган бир саволга: «Улар (ўликлар) сиздан яхшироқ эшитадилар, бироқ жавоб беришга кучлари етмайди», дея марҳамат қилдилар (Ином Муслим).

33. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «Қул қабрга қўйилиб, яқинлари ундан айрилгач, у қайтиб кетаётгандарнинг оёқ товушларини эшитади. Унинг ёнига икки фаришта (Мункар ва Накир) келади. Уни ўтқазиб: «Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам деган киши ҳақида нима деяётган эдинг?» дея сўрашади. Мўмин киши бу саволга: «Гувоҳлик бераманки, у Аллоҳнинг қули ва элчисидир!» дея жавоб беради. Унга: «Жаҳаннамдаги жойингга қара! Аллоҳ у ерни жаннатда бир маконга ўзгартириди», дейилади. (Киши қараб), ҳар иккисини ҳам кўради. Аллоҳ унинг қабридан жаннатга қараган туйнук очади. Агар ўлган киши коғир ва мунофиқ бўлса, (фаришталарнинг саволига): «(Сўраганингиз зотни) билмайман. Мен ҳам ҳамма айтган гапни гапиряпман!» деб жавоб беради. Унга: «Тушунмадинг ва уйғондинг», дейилади. Сўнг қулоқлари ўртасига гурзи билан урилади. Гурзининг оғриғидан (ўлган киши) шундай фарёд қиладики, унинг овозини (инсон ва жинлардан иборат) икки тоифадан ташқари барча (қулоқ эгалари) эшитади» («Кутуби ситта», 15/148).

34. «Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатгина бўлур (яъни, ўзгаларнинг қилган яхши амалларидан унга бирон фойда етмас). Унинг қилган саъи-ҳаракати эса яқинда (қиёмат кунида) кўринур. Сўнгра у (ўша саъи-ҳаракати учун) тўла-тўқис жазо-мукофот олур» (Ван-нажм сураси, 39–41-оятлар).

35. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадилар: «Агар бир-биргизни дағн этмаслигингиздан қўрқмаганимда қабр азобининг сизга ҳам эшаттирилиши учун дуо қилардим» («Кутуби ситта», 15/147).

36. «Аллоҳ таоло инсонларнинг гуноҳларидан тозаланишлари учун бир қанча имтиҳон ва хасталиклар тайёрлаб қўйган. Дунёдалигида гуноҳларидан бутунлай покланмаганлар барзах оламида, у ерда ҳам тозаланмасалар, яъни у ерда тортган азоблари уларни барча гуноҳларидан тозалашга етмаса, дори мавқифда (маҳшарда), у ерда ҳам покланмасалар, жаҳаннамда покланадилар. Шу алфозда бутунлай поклангандан кейин топ-тоза ҳолда жаннатга кирадилар. Чунки у ер пок кишиларнинг жойи...» (İzmirli Ismail Hakkı, Yeni ilmi Kelam, 2/199).

37. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам охирги хасталикларида: «Эй инсонлар! Пайғамбaringиз иртиҳолини ўйлаб хавотирланаётганингизни эшитдим. Қайси пайғамбар юборилгани уммати билан абадий қолганки, мен сиз билан абадий қолсам. Билингки, сиз ҳам менга қовушасиз. Учрашадиган жойимиз эса Кавсар ҳовузининг бўйидир. У ерда мен билан учрашишни хоҳлаганлар қўлларини ва тилларини гуноҳдан сақласинлар», деганлар («Тажриди Сариҳ», 11/14-15).

38. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Жаннатда юзта даража бор. Ҳар бир даражанинг бошқа даража билан ораси осмон билан ер ораси каби кенг. Фирдавс буларнинг энг юқорисидагидир. Унинг устида Арш бор. Аллоҳдан жаннатни сўраганингизда Фирдавсни сўранглар» («Кутуби ситта», 14/237).  
39. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Қуръондан бир оят эшитганга (бу оят) қиёмат кунида нур бўлади» («Ихё», 1/292).  
40. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жума куни сизнинг энг фазилатли кунингиздир. Одам ўша куни яратилди, сур шу куни чалинади ва қиёмат ўша куни бўлади. Шу сабабли бу кунда менга кўп салоту салом айтинг, муҳаққақ, сизнинг саловотингиз менга етказилади», деганларида, саҳобалардан бири: «Жасадингиз чиригани ҳолда бизнинг саловотимиз сизга қандай етказилади?» дея сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Муҳаққақи, Аллоҳ пайғамбарларнинг жасадларини тупроққа ҳаром қилди», деб жавоб бердилар (Ибн Можа).

41. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар бердилар: «... Сўнг унинг (кофир ёки мунофиқнинг) энсаси остига чунонам урилади, бу (зарбнинг оғриғидан) шунақанги фарёд қиладики, унинг фарёдини инсон ва жинлардан ташқари унга яқин ҳар бир махлуқот эшитади» (Имом Бухорий).

42. «Гуноҳкор мўминлардан баъзи гуноҳи камлари озгина азоблангандан кейин ёки бир дуо, садақа кабилар, ёки Аллоҳнинг марҳамати билан азобдан қутулишади» (Ал-Луқоний).

43. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Шу икки нарса қабр азобига сабаб бўлади: ғийбат, бавл. Булардан қаттиқ сақланинг» (Байҳақий).

44. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қарз билан вафот этган (киши) унинг номидан қарзи тўланмагунича қабрда гаровга олинган кабидир». Бошқа бир ҳадисда: «Қарз билан ўлган киши қабрда боғлиқдир. Уни қутқарадиган ягона чора қарзининг тўланишидир», дейилади. Яна бир ҳадисда эса: «Аллоҳ таоло назарида бир қулнинг Аллоҳ таъқиқлаган гуноҳи кабиралардан кейин бирга олиб келадиган энг катта гуноҳлардан бири қарзини узмаган ҳолда ўлишидир», дейилади («Кутуби ситта», 6/181).

45. «Ўлик қабрда унга навҳа қилиниши (бир нечта яхшиликларини эслаб овоз чиқариб йиғланиши) сабабли азобланади» (Имом Бухорий ривояти).

46. «Пайғамбар ўзи сизга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта

Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир» (Ҳашр сураси, 7-оят).

47. «(Эй инсонлар, Аллоҳ) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ, **Fikr Media** кутубхонаси [www.fikr.uz](http://www.fikr.uz) 25

яхшироқ амал қилувчи эканингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир...» (Мулк сураси, 2-оят). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Дунё охиратнинг экинзоридир». 48. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай буюрганлар: «Сизлардан биронтангиз намозини битирганда бу тўрт нарсадан паноҳ сўрасин: жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ўлик ва тирикларнинг шарри – ёмонлигидан, Масиҳ Дажжолнинг фитнасидан» («Риёзус-солиҳин», 14/21). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ё Раббим! Қабр азобидан Сендан паноҳ сўрайман», деб дуо қилар эдилар («Тажриди сариҳ», 4/503).

49. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Қабрнинг сиқишидан) бир марта бўлса, ўлим хасталигида Ихлос сурасини ўқиган кишилар мустаснодир», деб марҳамат қилганлар (Ал-Идавий).

50. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадилар: «Сизлардан биронтангиз Аллоҳ ҳақида ҳусни зонда (яхши гумонда) бўлмасдан охирги нафасини бермасин» («Кутуби ситта», 16/260). «Ҳар бир қул нима билан ўлса, ўша нарса билан тирилтирилади» («Кутуби ситта», 13/73).

51. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюредилар: «Ўликларингизни (жон таслим қилаётгандарингизни) «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейишга унданг». Бошқа бир ҳадисда эса: «Кимнинг сўнгги сўзи «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлса, жаннатга киради», деб марҳамат қилдилар Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам («Кутуби ситта», 15/81-82).

52. «Ўликларингиз учун Ёсин ўқинглар» («Тажриди сариҳ», 4/554).

53. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: «(Дўзахийлар даражада даражадир.) Бир қисми борки, олов уларнинг тўпифигача чиқади, бир қисми борки, тиззаларигача куйдиради, бир қисми борки, белларигача чиқади, бир қисми борки, бўғзигача (олов ичидаги) бўлади» («Кутуби ситта», 1414/271).

54. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадилар: «Кимнинг зиммасида биродарига нисбатан ирз (ор-номус) ёки бошқа бир сабабидан ҳаққи бўлса, динор ва дирҳам топилмайдиган қиёмат (ва ҳисоб-китоб бўладиган) кун келмасидан аввал шу ердалигида ҳалоллашсин. Акс ҳолда солиҳ амали бўлса, ўша кунда кўрсатган зулми сифатида ундан олинади. Агар ҳасаноти бўлмаса, дўстининг (ҳаққини олган кишининг) гуноҳидан олинади ва унга юкланди» («Кутуби ситта», 14/171).

55. «Фийбатдан сақланинг, зеро ғийбат зинодан ҳам шиддатлироқ. Чунки зино қилган киши тавбакор бўлади, Аллоҳ ҳам уни авф этади. Бироқ ғийбат қилинган киши кечирмагунча ғийбат қилган авф этилмайди» (Ғаззолий, «Иҳё», 3/317).

56. «Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар...» (Таҳрим сураси, 8-оят).
57. Ҳазрат Али розийаллоҳу анху қабристонга кирганларида у ерда ётганларга бундай хитоб қиласарди: «Қолдириб кетганингиз уйларни энди (бошқа) қўллар олди. Мол-давлатингиз бўлишиб битирилди. Хотинларингизни бошқалар никоҳлаб олди. Булар биз томонда бўлганлари. Оҳ! Кошки биз ҳам сиз томонда бўлаётганларни билолсайдик! Жоним қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, уларнинг гапиришларига рухсат берилганида, энг хайрли озуқа Аллоҳдан қўрқишидир, дейишар эди» (Ибн Абдираббиҳ ал-Иқдул-Фарид; III, 236, «Риёзус-солиҳин», 3/459).
58. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мўминнинг руҳи қарзи берганга боғлангандир» (Ибн Можа).
59. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳолисининг қабристонига кирганларида қабрларга юзланиб: «Ассалому алайкум, эй қабр аҳли! Аллоҳ сизни ҳам, бизни ҳам мағфират этсин...», дердилар («Кутуби ситта», 15/135).
60. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай буюрдилар: «(Асҳобим), сизни қабрларни зиёрат этишдан ман қилган эдим. Лекин ҳозир (пайғамбарингиз) Мухаммадга онасининг қабрини зиёрат этиш учун рухсат берилди. Сиз ҳам қабрларни зиёрат этинг. Чунки бу зиёрат сизга охиратни эслатади» (Имом Муслим). Қабр тошларидаги ёзувлардан бири: Эй қабримни зиёрат қилган зиёратчи! Ҳолимни ўйлаяпсанми? Кеча мен ҳам сен каби эдим, Эртага сен ҳам мен каби бўласан!..
61. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: «Бир чўғнинг ёки бир қилич устида юриш ёхуд оёқ кийимимни оёғим билан тикиш менга бир мусулмоннинг қабри устидан юришдан кўра афзалроқ. Хоҳ қабрлар орасида таҳорат бузсангиз, хоҳ бозор ўртасида (мен учун иккинчиси ҳам, биринчиси ҳам бир)» («Кутуби ситта», 17/134). «Сиздан бирортангизнинг терисигача тегадиган даражада кийимни куйдирадиган чўғнинг устида ўтириш қабр устида ўтиришдан яхшироқ» (Имом Муслим ривояти).
62. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қабристонга кирганларида саломдан кейин бундай дер эдилар: «... Сизлар бизнинг салафларимизсиз, биз ҳам орқангиздан борамиз» («Кутуби ситта», 15/135).
63. Қабристондаги майсаларни юлиш ва дараҳтларни кесиш макруҳdir (Ан-Наҳлавий).
64. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзини юмдалаган хотинни, ёқасини йиртган хотинни, ўлдим-куйдим, деб умидсизликка тушган хотинни лаънатладилар» («Кутуби ситта», 17/139).
65. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: «Аза

тутиш жоҳилият ишларидан биридир. Зеро, аза тутган хотин ўлмасидан олдин тавба қилмаса, қиёмат куни эгнида қатрондан кўйлак ва унинг устидан жаҳаннам оловидан бир кўйлак кийдирилган ҳолда тирилтирилади» («Кутуби сittа», 17/138).

66. Ҳазрат Жобирдан розийаллоҳу анҳу ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрнинг устига бирон нарса қуришни таъқиқладилар» («Кутуби сittа», 17/133).

67. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қабрда мол, түя, қўй сўйиш Исломда йўқ», дея қабр ва мақбараларда қурбонлик сўйишни таъқиқладилар (Абу Довуд). 68. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан олдин бир хавфга эътибор қаратиб: «Аллоҳнинг лаънати яҳудий ва насронийларга бўлсин, улар пайғамбарнинг қабрини ибодатхона қилиб олишди», дея зиёратчиларни қабр тепасида намоз ўқишдан қайтарганлар.

69. «Ўликка мозоргача уч нарса эргашиб боради: оиласи, мол-давлати ва амали. (Улардан) иккитаси орқага қайтади, бири абадий қолади. Оиласи ва мол-давлати орқага қайтади, амали у билан боқий қолади» (Ином Термизий ривояти).

70. Муҳаммад ибнул Мунқадир айтади: «Ҳазрат Жобирнинг олдига кирдим. Жони узилаётган эди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга биздан салом етказ», дедим» («Кутуби сittа», 17/108).

71. «Фақат (қай) бир зотлар иймон келтирсалар ва яхши амал қилсалар, ана ўшалар учун битмас-туганмас ажр-мукофот бордир» (Ват-тийн сураси, 6-оят).

72. «Аллоҳ учун бир даража тавозеъ қилган кишини Аллоҳ таоло ҳам бир даража юксалтиради. Уни Фирдавс жаннатининг энг юкори жойигача чиқаради...» («Танланган ҳадислар», 56-бет).

73. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: «Кимки бир мусулмоннинг молини ноҳақ олиш учун қасам исса, Аллоҳнинг азобига учрайди»; «Тижоратда (ёлғон) қасам молга рағбатни ортиради, (аслида) фойдани камайтиради» (Ином Бухорий ривояти).

74. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «Ризқнинг кўпайишини, умрининг узайишини истаган (одам) ота-онасига эҳсон ва икром қилсин, қариндошларини зиёрат этсин» («Танланган ҳадислар», 153-бет). «Улар (ота-онанг) сенинг жаннатинг ёки жаҳаннамингдирлар» («Кутуби сittа», 17/486).

75. «У (тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) авф этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади» (Оли-Имрон сураси, 134-оят).

76. «Аллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат куни Аллоҳ уларга сўз қотмайди, уларга (раҳмат назари билан) бокмайди ва уларни (гуноҳлардан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир» (Оли-Имрон сураси, 77-оят).

77. «Ҳар қайси банда дунёда бошқа бир банданинг айбини ёпса, қиёмат куни Аллоҳ ҳам унинг айбини беркитади» («Риёзус-солиҳин», 1/281).

78. «Эрталаб ва кечқурун масжидга борган кишининг ҳар бориб-келишида Аллоҳ жаннатни тайёрлайди» («Риёзус-солиҳин», 2/379).

79. «... Ким ўз нафсининг баҳиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчилардир» (Тоғобун сураси, 16-оят).

80. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳамёнинг оғзини боғлама, сенинг ризқинг ҳам боғланади. Инфоқ қил, санама, сенга ҳам саноқ билан берилади. Молингни беркитма, сенинг ризқинг ҳам беркитилади», деб марҳамат қиласидилар («Риёзус-солиҳин», 1/580).

81. «Эй мўминлар, қачон жума кундаги намозга чорланса (яъни, аzon айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига (яъни, жума намозини адо қилиш учун) шошиб боринглар ва олди-сотдини тарқ қилинглар! Агар биладиган бўлсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир» (Жума сураси, 9-оят). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бундай буюрадилар: «Бир киши чиройли таҳоратини олиб, сўнг жумага борса, хутбани жим тингласа, уч кун ортиғи билан бу жумадан кейинги жумагача бўлган вақт ичидаги гуноҳлари мағфират қилинади» («Риёзус-солиҳин», 2/440). Бошқа бир ҳадисда эса: «Ким жумани заруратсиз уч марта тарқ этса, Аллоҳ унинг қалбини муҳрлайди», дейилади («Кутуби сittа», 9/455).

82. «Садақанинг энг афзали икки кишининг ўртасини ислоҳ қилиш» («Танланган ҳадислар», 236-бет).

83. «Ким уч кундан ортиқроқ аразласа, сўнг ўлса, жаҳаннамга киради»; «Ким биродаридан бир йил аразласа, худди унинг қонини тўккан каби бўлади» («Кутуби сittа», 9/455).

84. «Бир мусулмонни алдаган ёки унга заарар етказган, унга ҳийла қилган биздан эмас» («Кутуби сittа», 16/353).

85. «Ким (давлат молига) хиёнат қилса, қиёмат кунида (Аллоҳнинг ҳузурига) қилган хиёнати билан бирга келур...» (Оли-Имрон сураси, 161-оят).

86. «Инсоннинг саломатлиги тилини муҳофаза этишидадир».

87. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Энг фазилатли инсон ким?» деб сўрашганида, у зот алайҳиссалом: «Қалби маҳмум (пок), тўғри сўзли банда», дедилар. Саҳобалар: «Тўғрисўзликнинг нималигини

- билимиз, маҳмумул қалб нима дегани?» деб сўрашди. «Маҳмумул қалб Аллоҳдан қўрқадиган топ-тоза қалбdir, ичида гуноҳ йўқ, зулм йўқ, адоват йўқ, ҳасад йўқ», дея марҳамат қилдилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам («Кутуби ситта», 17/627). 88. «Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз» (Бақара сураси, 278-оят). 89. «Менга заифларингизни топинглар. Зеро, сизлар заифларингиз туфайли ёрдам ва ризққа эришасиз» («Кутуби ситта», 6/192). 90. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Бир тоифа инсонлар борки, Аллоҳнинг мулкидан ноҳақ йўл билан ўзлаштириб олишга ҳаракат қиладилар. Ҳолбуки, бу (ўзлаштириб олинган мулк) қиёмат куни уларга олов бўлади, бошқа нарса эмас» («Кутуби ситта», 14/306). 91. «Ким таҳорат олиб ва таҳоратни мукаммал қилса, савоб умидида мусулмон биродарини зиёрат этса, дўзахдан етмиш йиллик масофа узоқлаштирилади» («Кутуби ситта», 9/434). 92. «Сизлардан ҳар бирингизга Рабби томонидан таржимонсиз, тўғридан-тўғри хитоб этилади. Киши ўша пайт (дўзахдан) қутилиш йўлини қидириб ўнг томонига қарайди, тириклигида юборгани (ёмон) амалларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Чап томонига қарайди, у ерда ҳам тириклигида қилган (ёмон) амалларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Олдига қарайди, у ерда ҳам тириклигида қилган (ёмон) амалларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Олдига қарайди, қаршисида (уни кутиб турган) дўзахни кўради. (Эй бу даҳшатли кунга иймон келтирган мўминлар!) Яримта хурмо билан бўлса ҳам, ўзингизни жаҳаннамдан сақланглар. Шуни ҳам қилолмасангиз, чиройли сўз билан сақланинг» («Кутуби ситта», 1/4185). 93. «Марҳаматли бўлганларга Раҳмон (яъни, марҳамат эгаси Аллоҳ) марҳамат қилади. Ерда марҳамат қилингки, осмонда бўлганлар ҳам (фаришталар) сизга марҳамат этсинлар...» («Кутуби ситта», 9/301). 94. «Мўмин бўлмагунингизча жаннатга киролмайсиз. Бир-бирингизни севмагунингизча мўмин бўлолмайсиз. Сизни хушнуд этадиган нарсани айтайми? Ўзаро саломни ёйинглар» («Риёзус-солиҳин», 2/228). 95. «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» билан бошланмаган ҳар бир хайрли иш кесикдир (натижасиз қолади). 96. «Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), тиклаб қўйилган бутлар (га сифиниш) ва чўплар (билин фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз, шояд нажот топасиз!» (Моида сураси, 90-оят.) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: «Ичкилик барча ёмонликларнинг онасидир. Ичкиликка мубтало бўлган киши жаннатга

кирмайди», деб марҳамат қилғанлар («Кутуби сittа», 17/447-448). 97. «Беш кеча борки, уларда қилингандуолар қайтарилмай қабул қилинади: ражабнинг илк кечаси, шаъбоннинг ўртасидаги кеча, жума кечаси, рамазон ва қурбон ҳайити кечаси» («Файзул-Қодир», III, 454-бет).

98. Абу Ҳурайрадан розийаллоҳу анҳу ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шу сўзларни амал қилиш ёки улар билан амал қилиш ё улар билан амал қиласиганга ўргатиш учун ким мендан олмоқчи?» дея сўраганларида, «Мен, ё Расулуллоҳ!» дедим. Расули акрам қўлимдан тутиб: «Ҳаромдан сақлан! Инсонларнинг энг кўп ибодат қилувчиси бўласан. Аллоҳ таолонинг сенга ажратганига рози бўл! Инсонларнинг энг бадавлати бўласан. Қўшнингга яхшилик қил! Ҳақиқий мусулмон бўласан. Кўп кулма! Чунки ортиқча кулиш қалбни ўлдиради», дедилар» («Танланган ҳадислар», 120-бет).

99. «Хабарингиз бўлсин, шайтон шу шаҳрингизда ўзини абадий қолишини сезган. Лекин сиз эътибор бермаган нарсаларингизда унга итоат этишда давом этиб, уни мамнун қиласиз» («Кутуби сittа», 1/151). «... Кичик гуноҳлардан сақланинг... Зеро, улар бирлашиб эгасини ҳалок қиласи» («Кутуби сittа», 16/334).

100. «Мазлумнинг баддуосидан эҳтиёт бўлинг, ҳатто у кофир бўлса ҳам. Зеро, унинг дуоси олдида парда йўқ» («Кутуби сittа», 5/503).

101. «Мисвок ишлатинг. Чунки мисвок оғизнинг тоза бўлишига ва Раббингизнинг ризқига сабаб бўлади»; «Мисвокланиб ўқилган намоз мисвоксиз ўқилган намоздан етмиш карра афзал» («Тажриди сариҳ», 3/37). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жонлари узилаётганда ҳам мисвок ишлатганлар.

102. «Қиёмат куни киши амаллар орасида олдин намознинг ҳисобини беради. Бу ҳисоб яхши бўлса, қутулиб қолади, демакдир. Бу ҳисоб бузилган бўлса, хусронга тушади. Агар фарзларда камчилиги бўлса, Аллоҳ таоло: «Қаранглар-чи, қулимнинг (амал дафтариға ёзилган) нафл намозлари борми?» деб сўрайди. Шу тариқа фарзнинг камчиликлари тўлдирилади. Сўнг худди шу тарзда бошқа амаллари ҳисоб-китоб қилинади» («Кутуби сittа», 14/175).

103. «Менга билдирилишича, (қиёмат куни) қулнинг биринчи қараладиган амали намоздир. Агар намози қабул қилинса, қолган амалларига қаралади. Агар намози қабул қилинмаса, бошқа амалларининг ҳеч қайсисига қаралмайди» («Кутуби сittа», 14/176).

104. «(Эй Мұхаммад алайҳиссалом), сиз ўзингизга вахий қилинганди Китоб – Қуръондан бўлган (оятлар)ни тиловат қилинг ва намозни тўқис адо қилинг! Албатта намоз бузуклик ва ёмонликдан тўсур. Аниқки, Аллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсадан) улуғроқдир. Аллоҳ қилаётган

- ишларингизни билиб турур» (Анкабут сураси, 45-оят).  
105. «Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлгай» (Моъувн сураси, 4–5-оятлар).  
106. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Қанчалаб рўза тутганлар борки, тутган рўзалиридан очлик ва чанқоқдан бошқа фойда кўрмайдилар» (Насайй). «Беш нарса рўзани бузади (савобини камайтиради): ёлғон гапириш, ғийбат қилиш, фитна-фасод чиқариш, ёлғон қасам ичиш, шаҳват билан қараш» («Иҳё», 1/661).  
107. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Аллоҳ наздида Қуръондан устунроқ шафоатчи йўқ, на пайғамбар, на фаришта ва на бошқалар» (Имом Табароний).  
  
108. «Сени ёмонлиқдан ман этгунча Қуръонни ўқи. Агар ёмонликлардан тўсмаётган бўлса, Қуръон ўқиган ҳисобланмайсан» (Имом Табароний).  
109. «Қанча-қанча Қуръон ўқиганлар борки, Қуръон уларни лаънатлайди» («Иҳё», 1/777).  
  
110. «Қуръон ҳаром қилган нарсаларни ҳалол, деб таниган Қуръонга иймон келтирмабди» (Имом Термизий).  
111. «Мўминларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Ҳамда кўриниб турган бошқа зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!..» (Нур сураси, 31-оят.)  
112. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Дўзах аҳлидан икки тоифа борки, ҳануз уларни кўрмадим: ёнларида сигирнинг думига ўхшаган нарсалар (қамчи) олиб юриб, у билан инсонларни урадиганлар, (иккинчиси) кийинган яланғоч аёлларки, улар Аллоҳга тоатдан ташқарига чиққанлар. Булар бошқаларни ҳам йўлдан урадилар. Бошлари туюни ўркачига ўхшайди. Бу аёллар жаннатга кириш тугул унинг ҳатто ҳидидан баҳра олишолмайди...» (Имом Муслим, «Жаннат», 53).  
113. «Аллоҳнинг душманлари дўзахга (ҳайдалиш учун) тўпланиб, тизилиб турадиган Кунни (эсланг). Энди қачонки улар (дўзахга) келишгач, ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари ҳақида сўралади, лекин улар ўз қилмишларидан тонишга уринадилар. (Шунда) уларнинг қулоқлари, кўзлари ва терилари улар қилиб ўтган нарсалари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик беради. Улар териларига: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?» дейишганида, (терилари): «Бизларни барча нарсаларни сўзлатган Зот Аллоҳ сўзлатди. Сизларни дастлаб У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилурсизлар», дедилар» (Фуссилат сураси, 19–21-оятлар). «Бу кун уларнинг оғизларини мухрлаб қўюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур» (Ёсин сураси, 65-оят).  
114. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар:

«Дуо ибодатнинг ўзи (илиги, ўзаги, мағзи)дир» («Кутуби сittа», 5/483).

115. Иброҳим Адҳамдан «Дуоларимиз нима учун қабул бўлмаяпти?» деб сўрашганида, «Қалбларингиз саккиз нарса сабабли ўлган: 1. Аллоҳга иймон келтирасиз, лекин итоат этишнинг ҳақини бермайсиз. 2. Қуръон ўқийисиз, лекин талаб қилинганидек амал этмайсиз. 3. Пайғамбарни севишингизни айтасиз, лекин барча ишларингизда ўзингизни жаҳаннамга тайёрлайсиз. 5. Жаннатни севишингизни иддао қиласиз, лекин унга тайёргарлик кўрмайсиз. 6. Охиратта ишонасиз, лекин ўлимдан қўрқмайсиз, унга тайёрланмайсиз. 7. Неъматларни ейсиз, лекин шукр қилмайсиз. 8. Бирорларнинг айбини қидирасиз, лекин ўзингизнинг қусурларингиз билан шуғулланмайсиз», деб жавоб бердилар («Иҳё», 2/877).

116. «Аллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат кунида Аллоҳ уларга сўз қотмайди, раҳмат назари билан боқмайди ва гуноҳларидан покламайди. Улар учун аламли азоб бордир» (Оли-Имрон сураси, 77-оят).

117. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадилар: «Тўрт нарса шақоват (хусрон, бадбаҳтлик) аломатидир: қўзларнинг қуриши (гуноҳлардан йиғламаслик), қалбнинг қотиши, тулул амал (ҳеч ўлмайдигандек дунёга боғланиш), мол-дунёга ортиқча ҳирс» («Кутуби сittа», 6/260).

118. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадилар: «Сизлардан ҳеч ким дучор бўлган зарар сабабли ўлимни орзу қилмасин. Шундай қилишга мажбур бўлса, «Раббим, ҳақимда ҳаёт хайрли бўлса, яшатгин, ўлим хайрли бўлса, жонимни олгин», десин» («Кутуби сittа», 3/457). Ўлимни орзу қилишдан кўра уни эслаш маъқулдир. Мўминнинг энг ақллиси ҳақида сўралганида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўлимни кўп эслайдиган ва ўлимдан кейин учун энг яхши тайёргарлигини кўрганлар. Мана шулар энг ақлли кишилар», дея марҳамат қилдилар («Кутуби сittа», 17/229).

119. Абу Ҳурайрадан розийаллоҳу анҳу ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳукм чиқаришда пора олган ва пора берган (ўртада турган) кишини лаънатладилар» («Кутуби сittа», 13/441).

120. Ибодатнинг машаққатига чидаб, Аллоҳнинг розилигини топиш учун сабр билан адо этиш мўминга мукофот қозонадиган хатти-ҳаракатдир.

121. «Садақа Аллоҳнинг ғазабини пасайтиради ва ёмон ўлимни бартараф қиласди» (Имом Термизий). Бошқа бир ҳадисда: «Садақа беришга шошилинг, чунки бало садақанинг олдидан ўтолмайди» («Кутуби сittа», 9/243).

122. «Силаи раҳм гўзал ахлоқдир. Бошқалар билан яхши муомалада

бўлиш шаҳарларни маъмур, умрларни узун қилади». «Силаи раҳм молдавлатда бойликни, оиласда севгини, умрда узоқликни оширади». «Ким ризқининг Аллоҳ томонидан кенгайишини, ажалининг чўзилишини истаса, силаи раҳм қилсан». «Силаи раҳмни узган жаннатга киролмайди». ИншаАллоҳ, ҳар бир иймон эгасининг жаннатга киришига шубҳа йўқ. Бироқ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ерда силаи раҳмнинг аҳамиятига эътиборимизни қаратганлар.

123. Ибн Аббосдан розийаллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расули Акрам икки қабрнинг ёнидан ўтаётганларида: «Булар азобланяптилар, аммо азобланишлари уларнинг назарида катта нарса учун эмас», дедилар. Сўнг давом этдилар: «Ҳа, гуноҳлари катта. Бири сийдикдан сақланмас, яхшилаб таҳорат олмас, иккинчиси эса фитна-фасод қиларди», деб марҳамат қилдилар («Риёзус солиҳин», 3/119).

124. «Яна Парвардигорингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: «Қасамки, агар берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман...» (Иброҳим сураси, 7-оят).

125. «... Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир...» (Талоқ сураси, 3-оят). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадилар: «Туяning арқонини боғла (яъни, олдиндан тадбирини кўр), сўнг Аллоҳга таваккул қил» («Кутуби ситта», 17/598).

126. «Билсангиз, қиёмат куни аҳдида турмаган ҳар бир бевафога вафосизлиги даражасига кўра бир байроқ тикилади, шу алфозда бевафолиги намойиш қилинади» («Кутуби ситта», 17/379).

127. «Ким билиб туриб Ислом динидан бошқа динга ёлғон қасам ичса, ўзи ўша айтгани кабидир...» («Кутуби ситта», 16/326).

128. «Ким Аллоҳ таоло уйининг хайр ва баракотини орттиришни истаса, овқатдан олдин ва кейин қўлини ювсин» («Кутуби ситта», 17/426).

129. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюредилар: «Умматимнинг барча яхши ва ёмон амаллари менга кўрсатилди. Яхши амаллари ичида йўлдан олиб ташланган «қийинчилик» (инсонларга халақит берадиган нарсалар)ни ҳам кўрдим. Ёмон амаллар ичида эса (ҳамманинг кўзи тушадиган) ерга ташланган тупук ҳам бор эди» («Кутуби ситта», 10/121).

130. «Аллоҳ наздида энг севимли уй етимга икром қилинадиган уйдир» («Танланган ҳадислар», 234-бет).

131. «...Олтин-кумушни босиб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабари»ни етказинг! У кунда (қиёматда) ўша (олтин-кумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёnlари ва кетларига босилиб: «Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизни мазасини тотиб кўринглар», (дайилур)» (Тавба сураси, 34–35-оятлар). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Закот

Исломнинг кўпригидир»; «Исломнинг камолоти закот берилишида», дея марҳамат қилдилар («Кутуби сittа», 6/374). 132. «Парвардигорингизга ичингиздан ёлвориб, қўрқиб, дилдан эрта-ю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг!» (Аъроф сураси, 205-оят.) «Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз!» (Бақара сураси, 152-оят.) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Жаннат боғларига кирганингизда фойдаланиб қолинг ва гулларини ҳидланг». Саҳобалар сўрашди: «Жаннат боғлари қайси ниси, ё Расулуллоҳ?» У зот алайҳиссалом: «Зикр мажлислари дир», дея марҳамат қилдилар («Ихё», 1/90).

133. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким халқнинг ғазабига эътибор бермай, Аллоҳнинг ризосини қидирса, инсонларнинг қийинчиликлари га Аллоҳ кифоя қиласи. Ким Аллоҳнинг ғазабига беэътибор бўлиб, халқнинг ризосини қидирса, Аллоҳ уни ўз ҳолига ташлаб қўяди» («Кутуби сittа», 16/273).